

Kall CN311

Vecenierou Igon Aedan

1991 йил 1 январдан чика бошлаган

E-mail: halksuzi@sand.uz

• 2002 йил 16 август, 170-171 (2998-2999)

Жума

БУГУНГИ СОНДА

...Бир бурда нонини пешона тери билан топаётган-лиги — бу кўнгил кўчаларини кувонч чечаклари-га кўмиб юборади.

2-бет



«— Сувга тушавер, бир нарса бўлса, ўзим куткараман».

3-без



«Ташриф»имиз унга малол келганлиги юз-кўзларидан сезилиб турарди.

4-бет



...Амир Темур ва темурийларга багишланган араб тилидаги манбалар хакида гап боради.

5-бет



— Энг иктидорли ёшларни жамлаб,хусий билим даргохи ташкил этардим...

6-бет

Сув тошкини.

7-бет

"Искабтопар" им ўша куниёк көчга қолмай шунақанги жанжал кўтардики, унинг олдида жанубий Американинг тўфонлари ип хам эшолмай қолди.

8-бет

Энг улуг Байрамга хозирлик

Вазирлар Маҳкамасида Мустақилликнинг ўн бир йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш республика комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди.

Бош вазир ўринбосари, мазкур комиссия райси Х.Кароматов бошкарган мажлисда байрам тантаналарига тайёргарлик жараёни ва бу борада жойларда амалга оширилиши лозим бўлган ишлар мухокама этиль.

Ўзбекистон халқ шоири А.Орипов мамлакатимизнинг мустақиллик майдонида ўтказиладиган асосий тантаналар сценарийси ҳақида ахборот берди.

Байрам томошалари дастурида истиклол йилларида эришилган ютуклар, юртимиздаги бунёдкорлик ишлари, тинчлик ва фаровонлик йўлида фидокорона мехнат килаётган юртдошларимиз сиймоси юксак бадиий ифодалар воситасида акс эттирилади. Санъатимизнинг янги-янги кирралари намоён бўлади, ёш истеъдодлар кашф этилади, улуг айём мазмун-мохиятига мос замонавий куй-

(Давоми 2-бетда).



Навоий ворислари.

Абдувохид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат.

Тошкентда мамлакатимиз вакилларининг халқаро молия институтлари — Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Халқаро молия корпорацияси, Осиё тараққиёт банки ва Жаҳон банки делегациялари билан бўлиб ўтган учрашуви ва музокараларида "Ўзбектелеком" акционерлик компаниясини якка тартибда хусусийлаштириш ҳамда ушбу лойиҳани амалга оширишга чет эллик сармоядорларни жалб қилиш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

«Ўзбектелеком» хорижий сармоядорларни кутмокда

караларда Узбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қуллаб-қувватлаш давлат кумитаси, Алока ва ахборотлаштириш агентлиги, Молия вазирлиги, Марказий банк. "Узбектелеком" акционерлик компанияси, Корхоналарни якка тартибда хусусийлаштириш бюроси, "Узбектелеком"ни якка тартибда хусусийлаштириш лойихаси буйича молиявий маслахатчи "Коммерцбанк АГ" вакиллари иштирок этди.

Республикамиз Давлат мулки қумитаси матбуот хизматининг берган хабарига кура, Узбекистон Республикаси хукумати қарори билан мамлакатимизда телекоммуникация хизматларини курсатишда асосий ва йирик оператор хисобланган "Узбектелеком" давлат акционерлик компанияси акцияларининг 70 фоизи эркин савдога қуйилмоқда. Уларнинг 51 фоизини стратегик хорижий сармоядорга сотиш

мулжалланган. Халқаро молиявий маслахатчилар учун эса телекомахвол пухта тахлил килиниб, унинг асосида хусусийлаштириш стратегияси ишлаб чикилди ва ушбу тармокни жалб этишни таъминлайдиган шароитлар таклиф этилди. Шунингдек, бу борада мамлакатда хусусийлаштириш ахволи, компаниянинг бизнес-ташхиси ва бахолаш, уни хусусийлаштириш стратегияси, ахборот меморандуми хакида хисоботлар тайёрланди. Айни пайтда мазкур молиявий маслахатчи томонидан стратегик хорижий сармоядор топиш, тендерни тайёрлаш ва ташкил этишдан иборат хусусийлаштиришнинг охирги боскичи амалга оширилмокда.

Халқаро молия институтлари иқтисодий ислохотларни амалга оширишда мамлакатимиз билан яқиндан ҳамкорлик қилмоқда. Масалан, Жаҳон банки томонидан корхоналарни тузилмавий ривожлантириш, йирик корхоналарни якка тартибда хусусийлаштириш учун қарз ажратилди, иқтисодиёт

(Давоми 2-бетда).

ИЖРО МАСЪУЛИЯТИ

Мамлакатимиз судхукук соҳасида асосий бўгинни ташкил этувчи ижро жараёнига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Суд ижрочилари фаолиятини такомиллаштириш мақсадида Адлия вазирлиги тизимида махсус департамент ташкил этилиб, унга қўшимча имтиёз ва ваколатлар берилгани ижро самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Суд ижрочилари фаолиятининг хукукий негизини ташкил этувчи "Суд хужжатлари ва бошка органлар хужжатларини ижро этиш тўгрисида"ги Конун талаби асосида мажбурий ижро билан

боглиқ фаолият механизми ишлаб чиқилди ва амалиётта жорий этилди.

— Қонуннинг 82-моддасида ижро хужжати талабини ихтиёрий равишда бажармаганлик учун жавобгарлик масаласи киритилгани ҳамда мажбурий ижро чораларини қўллаш амалиёти йўлга қуйилгани белгиланган муддатда ижронинг тўлиқ якунланишини таъминламокда, - деди департамент директори ўринбосари Баходир Янгибоев УзА мухбирига. — Жорий йилнинг биринчи ярмида 28 минг 665 хужжат ижроси шу тарзда якунланиб, кўп мик-

дордаги қарзлар ўз вақ-

тида ундирилди.

Баъзан қонун талабларини била туриб, ижро хужжатларини белгиланган муддатларда бажармаслик холлари хам учраб туради. Бунда қонуний жарима солиниб, асосий карз хамда жарима суммалари ундириб олинмокда. Конун амалга киритилгандан бери ана шундай холатлар бўйича 837 нафар жисмоний ва мансабдор шахсга нисбатан 10,3 миллион сўм микдорида жарима солингани бу-

нинг яққол далилидир.

Норгул

АБДУРАИМОВА.

Олий Мажлиснинг IX сессияси олдидан

Конун Ва тил

Маълумки, Олий Мажлиснинг Норматив-хукукий атамалар комиссияси сессия мухокамасига кўйилажак хар бир қонун лойихаси, уларнинг матни устида иш олиб боради. Мукаммал қонун яратилишига бахоли кудрат хисса қўшали.

Кеча Олий Мажлисда мазкур комиссиянинг икки мухим хужжат — Ўзбекистон Республикасининг "Айрим қонун хужжатларига қушимча ва ўзгартишлар киритиш тўгрисида" ва "Фуқароларнинг мурожаатлари тўгрисида"ги қонун лойихалари мухокамасига багишланган йигилиши бўлиб ўтди.

 Нокамтарликка йўймангу, парламентимизда ўзбек тилида мукаммал



қонун яратиш мактаби пайдо бўлди, — дейди комиссия раиси, Олий Мажлис депутати Миракмал Миралимов. — Комиссия аъзолари хар бир сўз, хар бир жумла устида фикрюритадилар. Негаки, Қонун нафақат пишиқ-пухта, шунинг билан бир қаторда содда, равон ва барча учун тушунарли бўлмоги лозим. Комиссия ўз фаолияти давомида ана шу қоидага қатьий амал қилиб келмокда.

Амалий таклифлар

Олий Мажлис Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қумитасининг кеча булиб ўтган йигилишида учта асосий масала - иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг тўққизинчи сессияси кун тартибига киритилган масалалар, қумитанинг икки сессия оралигидаги фаолияти, "Мудофаа тўгрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Конунининг Самарканд ва Бухоро вилоятларидаги ижросига оид масалалар кўриб чикилди.

Курио чиқилди.

Парламентнинг бўлажак сессияси кун тартибига киритилган масалалар юзасидан қўмита аъзолари ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.Сессия ишида фаолликни янада ошириш юзасидан амалий таклифлар айтилди. Шунингдек, сессиялар оралиғидаги даврда амалга оширилган ишларга танқидий ёндошилиб, сайловчилар ишончини оҳлаш учун янада жонбозлик кўрсатиш лозимли-

ги таъкидланди.

"Мудофаа тўгрисида"ги Узбекистон Республикаси Қонунининг Самарқанд ва Бухоро вилоятларидаги ижросига оид масала мухокамаси ҳам қизғин ўтди. Унда амалга оширилган ишлар билан бир қаторда мавжуд камчиликлар, жумладан, Бухоро вилоятида харбий хизматчиларнинг уй-жойлар билан таъминланиши талаб даражасида эмаслиги, харбий кисмларда айрим иситиш иншоотларининг ишламаслиги қумита аъзолари томонидан жиддий танкид остига олинди.

— Армия ҳар томонлама тулиқ таъминланган булиши шарт, — деди йиғилишга раислик қилган қумита раиси Аҳтам Турсунов. — Бу даврга мос равишда янгича ишлашни, янги имкониятлар қидиришни талаб этади.

Мавжуда ХОЛМАТОВА, «Халқ сўзи» мухбири.

Бир Фармон хикмати

Муаллим Ва олимни ўйлаб...

Илм - нур. Унинг зиёси ўзини «мен инсонман» дегувчи хар бир шахснинг кўзини очади, ҳаёт йўлини чарогон қилади. Бу нурни элтувчилар — зиёкорларни бежиз «зиёлилар» деб аташмайди. Зиё элтувчининг элда азиз бўлишининг яна бир боиси бор. Бундай инсонлар аслида ҳаётда камтар, босиқ, жонсарак, фидоий, камсукум хам бўлишади. Ушбу хислатларни фазилат деб билганлар ўша зиёлига, иззатталабликдан йироқ бўлган кимсага тақлид қилади, унга эргашади, жигарбанди - фарзандининг такдирини ишониб топширади.

«Яхшилик ерда қолиб кетмайди», дейишади. Шунинг учун ҳам жамият
ҳаётининг кескин бурилиш
паллаларида, иқтисолий ислоҳотлар авж олган дамларда эл-юрт деб фидоийларча
меҳнат қилган, савоб ишлар бошида турган эддий
зиёлиларни жамият ҳамиша ўз эътиборидан четда
қуймаган, қуймайди ҳам.

қуймаган, қуймайди ҳам. Собиқ Иттифоқ ҳудудида жойлашган мамлакатларнинг тараққиёт имкониятлари шуни қурсатмоқдаки, айнан зиёлилар жамиятнинг ҳам моддий, ҳам маънавий қуллаб-қувватловига муҳтож бўлиб қолмоқда. Бизнинг юртимизда эса хар йили камида 2-3 марта махсус фармонлар қабул қилиниб, ёшлар таълим ва тарбиясига масъул булган муаллимларнинг ижтимоий химояси ташкил этилади. Президентимизнинг «2002 йилнинг 1 сентябридан бошлаб, ўқитувчилар ва ўқув юртлари муаллимларининг, илмий ходимларнинг иш хаки микдорини ошириш тўгрисида»ги 2002 йил 7 август Фармони мехнат таътилида мирикиб дам олаётган ўкутувчиларимиз ва олимларимизда хурмат ва миннатдорлик туй**г**уларини уйготди, десак хато булмас. Чунки илм билан машгул бўлган мутахассислар ва оддий муаллим кадрлар мехнатини қушимча равишда рагбатлантириш, илмий ходимларнинг, умумий ўрта таълим муассасалари ўқитувчиларининг, академик лицейлар хамда касб-хунар коллежлари, олий таълим муассасалари муаллимларининг ижтимоий-маиший хамда моддий турмуш шароитларини яхшилаш ўтиш даврида алохида ахамият касб этади. Бизнингча, уларга кўрсатилаётган гамхўрлик ва эътибор орқали халқ ўз фарзандларининг келажагига ва турмуши фаровон бўлишига тобора ишониб бораверади.

Домлалар ва илмий муас-

сасалар ходимларининг давлат томонидан қуллаб-қувватланиши, айникса, ёш олимлар учун алохида ахамиятга эга. Чунки ёшликнинг ўз талаблари, ўз эхтиёжлари борки, бу талаблар ёш оиланинг эхтиёжлари билан боглик. Турмуш ўртоги, ота-онаси ва фарзанди олдида ўз касбидан миннатдорлик хиссининг мавжудлиги ўша олимнинг нафакат профессионал ўсиши, балки жамиятда, оиласида, қариндош-уруглари орасида керакли мавкега эга булишини таъминлайди. Президентимизнинг Кадр-

лар тайёрлаш миллий дастури қабул қилинаётган бир пайтда ўқитувчи ва мураббийларнинг хаётий талабларини қондириш, уларни рагбатлантириш, бу касб сохибларининг ўз иши, касбидан мамнун бўлишини таъминлаш зарурлиги ҳақидаги сўзлари ўз тасдиги ва эътирофини топаётганлиги нафакат тажрибали муаллимларни, балки шу эзгу ишта энди қул ураётган, устозликнинг машаккатли сирларини эгаллаёттан ёшлар учун хам ахамиятли, мухим-

Моддий рагбатлантиришнинг энг жиддий ва самимий шакли иш ҳақи микдорини купайтиришдир. Ҳукумат бундай жиддий ва хайрли ишга



қадам қўяр экан, ҳар бир ишчи, ходимнинг иш самарадорлигига, мехнат ва ижтимоий фаоллигига умид боглайди. Шу боис ушбу Фармон сабаб бир савол тугилади: ўқитувчи иш хақининг ўкитиш самарасига богликлиги қандай? Уқитувчи ишининг қайси натижаларига қараб уларға сарф қилинган маблағни кўп ё кам дейиш мумкин? Бу эса хар бир ўкитувчи, олимдан ўз мехнати натижалари учун масъулиятини оширмоги керак, деган фикрга олиб келали.

Илмий ходимлар турмуш шароитини яхшилаш масала-

си бу - илмга рагбат масаласи, демакдир. Бу эса Узбекистон Республикаси Президентининг «Илмий тадқиқот фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўгрисида»ги 2002 йил 20 февраль Фармонининг бевосита ижрочилари - илм ахлини ижтимонй химоялашта қаратилган изчил чора-тадбирлардан бири булади. Мазкур қарорлар олимлар, хусусан, ёш тадкикотчиларни моддий рагбатлантириш, Учининг илмий истасболига ишончини мустахкамлаш ва бу оркали Узбекистоннинг

(Давоми 2-бетда).

«Халқ сўзи» назоратида


Ёдингизда бўлса, газетамизнинг 2002 йил 3 июль сонида "Чиқиндида хазина не қилсин?.." сарлавҳали танқидий-таҳлилий мақола эълон қилинган эди. Мазкур чиқиш бўйича Олмалиқ шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари А.ХАЙДАРОВ имзоси билан расмий жавоб олдик. Унда, жумладан, шундай дейилади:

Ахолига тушунтирилди

— Мақолада кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш бўйича шаҳар ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва соғлиқни сақлаш ходимларидан иборат ишчи гуруҳи тузилган. Унинг аниқ иш режаси белгиланган. Ишлаб чиҳариш

чиқиндиларидан қимматбаҳо металларни излаш инсон саломатлиги учун ўта хавфли эканлиги ҳақида маҳаллий аҳоли билан тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Шаҳар газеталарида шу мавзуга оид маҳолалар чоп этилмоқда.

Олмалиқ тоғ-металлургия комбинатига қарашли ишлаб чиқариш чиқитлари Узбекистон Республикасининг "Чиқиндилар тўгрисида"ги Қонуни талабларига кўра қаттиқ назоратга олинган.



Олий Мажлиснинг IX сессияси олдидан

Парламентга истак

Тарих масъулиятни талаб қилади

Олий Мажлиснинг ҳар бир сессияси халқимиз ҳаётида ўзига яраша из қолдириши, мамлакатимиз тарихида мангуга мухрланиши табиий. Парламентнинг бўлажак сессияси хам мазмун-мохияти билан ҳар бир фуқарода катта қизикиш уйғотаётганлиги бежиз эмас. Аввало, кун тартибига қуйилаётган ҳар бир конун лойихаси жиллийлиги. тараққиётимизни тезлаштиришга, ҳаётимизни фаровонлаштиришга хизмат қилиши билан қадрлидир.

Хаёт конунларни тўлдириб, бойитиб боришни такозо этади. Ислохотларнинг муваффакияти ҳам уларнинг нечоглик пишиқ-пухталигига. мукаммаллигига боглик. Жахон андозаларига мос конунларгина куп яшайди. Айтмокчиманки, сессияга киритилаётган масалаларнинг

хаммаси долзарб. Амалдаги қонунларнинг бугунги кун нафаси билан хамоханглигини таъминлаш ҳам ўз самарасини беради.

Қонунлар ҳар куни, ҳаммага керак. Айниқса, биз муаллимлар учун сув билан ҳаводай зарур. «Халқ сўзи»да эълон қилинаёттан ҳар бир қонунни қирқиб олиб, иш столим устида сақлайман. Бўлгуси мутахассислар қонун устувор мамлакат фарзандлари эканликларини хар доим хис этмогига эришиш биринчи даражали вазифамиздир.

Мен депутатларимизга ующкоклик ва синчковликни. тарихий хужжатлардаги ҳар бир сўз, жумлага ўта масъулият билан ёндашишларини

Милтикбой СУЮНОВ, Навоий давлат педагогика институти ўкитувчиси.

Илгор селекция — сара махсулот дегани

Мамлакатимиз жахон хамжамиятидан ўз ўрнини эгалламоқда. Айни вақтда қишлоқ хўжалиги тараққиётимизнинг бош йўналиши бўлиб қолаверади. Сессия кун тартибига "Селекция ютуклари тўгрисила"ги Ўзбекистон Республикаси Конуни (янги тахрири)нинг қуйилиши айни муддаодир. Мен узоқ йиллар қишлок хўжалиги сохасида ишладим, жамоа хўжалигини бошқардим. Селекциядаги ютуқлар тармокни канчалар ўнглагани, хатолар оғир оқибатларға олиб келганини яхши биламан. Хар хил "СЖК" препаратлари чорвачиликка нақадар зиён етказгани хаммамизга маълум. Илгор селекция сара махсулот деганидир. Кишлок хўжалиги экинлари селекциясила хам, наслчиликла хам қанчалар илгари борсак, тармок шунчалар ривож топади

Бу бизнинг оролбуйи худуди, Хоразм вохаси учун, айникса мухимдир. Шунингдек, "Давлат статистикаси тўгрисида"ги Узбекистон Республикаси қонун лойихаси (биринчи ўкишда) мухокамага қўйилиши жуда ўринли бўлмоқда. Статистик маълумотлар замирида жамият ва инсон такдири, давлат манфаатлари ётади. Шундай экан, статистика қонун мухофазасида бўлмоғи

Олий Мажлисимиз ўзининг навбатдаги сессиясида ўта мухим конун лойихаларини мухокама килишга тайёргарлик кўраётгани хаммамизни кувонтиради.

Йўлдош КОМИЛОВ, «Нуроний» жамгармаси Беруний туман бўлими

Маълумки, мамлакатимизда халқ соғлиғини асраш, уни мухофаза килишга алохида эътибор берилади. Айникса, аёллар ва ўсиб келаётган авлод саломатлигини мустахкамлаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилганлиги билан ахамиятлидир. Зеро, «Согликни сақлаш тизимини ислох қилиш тўгрисида»ги Давлат дастури асосида тиббиёт сохасига тааллукли катор қонунларнинг қабул қилиниши бу йўналишда олиб борилаётган ишларнинг хукукий-конунчилик негизини мустахкамлашга хизмат қилади. Олий Мажлиснинг навбатдаги сессияси кун тартибига мухокама учун киритилаётган Ўзбекистон Республикасининг «Қон ва **УНИНГ** ТАРКИБИЙ

кисмлари донорлиги тўгрисида»ги қонун лойихаси эса мамлакатимизда гематология хизматини ривожлантириш масалаларига катта эътибор каратилаётганидан далолат беради. Олий Мажлиснині Ижтимоий масала-

лар ва бандлик қумитаси раиси Машкура САФОЕВА билан сухбатимиз ана шу қонун лойихаси ҳақида бўлди.

- Конуннинг асосий мақсади қон ва унинг таркибий қисмлари донорлиги сохасидаги барча муносабатларни тартибга солишдан иборат, - дейди М.Сафоева. - Маълумки, хар қандай қон йўқотишлик инсоннинг ўзи учун қанчалик ташвишли бўлса, жаррохлар, акушер-гинекологлар, анестезиолог ва гематологлар, шунингдек, тез тиббий ёрдам шифокорлари учун ҳам долзарб муаммо хисобланади.

Хозирги кунда жахонда қоннинг ўзини қуйиш амалиётидан чекинилмокда. Унинг таркибий қисмлари бўлган эритроцит, тромбоцит, лейкоцитларни хамда донор қонидан олинган бошқа даволаш воситаларини моддадан иборат.

Кон ва унинг таркибий қисмларини топшириш бутун дунёда ихтиёрий, кўпчилик мамлакатларда у бепул амалга оширилади. Айрим давлатлардагина пул эвазига қон топширилади. Шунга кўра конун лойихасида биз қон ва унинг тар-

соеликни саклаш ташкилоти-

нинг тавсияномалари ўрга-

нилди. Конун лойихаси 28 та

кибий кисмларини топши-Da caaomamausu йулида

қуйиш кўпроқ безарарлиги ва аник максадга жавоб бериши эътироф этилмокда, Донорлик масаласига оид соханинг хукукий муносабатлари хозирга қадар Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси, Согликни саклаш вазирлигининг қарор ва буйруқлари асосида тартибга солиб келинмоқда. Конун лойихасини тай-

ёрлаш жараёнида депутатлар, олимлар ва мутахассислардан иборат таркибда тузилган ишчи гурухи томонидан қатор давлатлар, жумладан, Россия, Украина, Белоруссия, Киргизистон, шунингдек, Англия, Франция ва Германия давлатларининг қон донорлигига оид қонунлари, Умумжаҳон

амалга оширилишини кўрсатдик. Донорликнинг асосий принциплари қон ва унинг таркибий кисмларини топширишнинг ихтиёрийлиги, инсон учун безарарлиги ва уларни ишлатишнинг хавфсизлиги билан боглиқ. Шуни айтиш керакки, 18 ёшга тўлган соглом одамларгина донор бўлиши мумкин. Кон ва унинг таркибий кисмларининг сакланиш муддати 21 кун бўлгани холда, Марказий Осиё давлатлари ичида биргина Узбекистонда қоннинг таркибий қисми бўлган эритроцитнинг сақланиш муддати ўн йилдир.

риш бепул ва пулли асосда

Конун лойихасида аутодонорлик тўгрисида хам алохида модда мавжуд. Бу, ҳар бир фуқаро келажакда ўзига турли вазиятда керак бўлиб қолишини назарда

тутиб, олдиндан қон топшириши мумкин, у қон банкида сакланади, керак бўлганда ишлатилади, дегани. Қонун шу йўналиши билан аутодонорликни ривожлантиришга хам асос солади, деб ўйлаймиз.

Кон ва унинг таркибий кисмларини топширадиган, тиббий кўрикдан ўтадиган куни донор шу кунлар учун ўртача иш ҳақи сақланган холда ишдан, ўқишдан, хиз-

матдан озод қилинади. Донорга хар сафар донорлик қилган кунининг эртасига дам олиш учун ўртача иш хақи сақланган холда қўшимча бир кун берилади. Кон ва унинг таркибий кисмларини мунтазам равишда ва бепул топшириб кел-

ган донор «Ўзбекистон Республикаси фахрий донори» кўкрак нишони билан такдирланишига хам эътибор қаратилди.

Шуни айтиш керакки, бугунги кунда қон донорлиги муаммоси тиббий-ижтимоий масалалар ичида энг мухимларидан бири. Айникса, бу фавкулодда холатларда - табиий офатлар, автохалокатлар, эпидемиялар рўй берганда, бир вактнинг ўзида кўплаб одамларга қон қуйиш зарур бўлган ҳолларда, қатор хасталикларнинг олдини олиш, даволашда тезкор ёрдам кўрсатиш билан богликдир. Мухими, буларнинг бари эл саломатлиги йўлида қилинаётганлиги билан ахамиятлидир.

Сухбатдош: Умида ФАЙЗИЕВА, «Халқ сўзи» мухбири.

Вокеалар ва тафсилотлар

«Узбектелеком» хорижий сармоядорларни кутмокда

(Давоми. Боши 1-бетда).

сохалари ва молия тармогида ислохотларни амалга оширишда Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Халқаро молия корпорацияси ва Осиё тараққиёт банкининг фаол иштироки ёрдам бераётир. Утказилган сухбатлар чогида халқаро молия ташкилотлари вакилларига макроиктисодиёт ахволи ва хусусийлаштиришнинг бориши тўгрисида маълумот берилди ҳамда улар телекоммуникация сохасидаги конунчи-

лик. "Ўзбектелеком" акционерлик компаниясининг тузилмаси, молиявий ахволи. фаолияти ва ривожлантириш режалари, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги вазифалари билан та-

Шунингдек, халқаро молия ташкилотлари вакилларини учрашувда иштирок этган ва сўзга чиккан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосарлари У.Исмоилов ва А.Орипов қабул

(¥3A).



Ёз буйи осойишталик хукм сурган мактаб бағри хадемай ўқувчиларнинг шўх-шодон кулгуларию қийқириқларига тўлиб кетади. Сабаби, билимлар ойи — сентябрь эшик кокмокда. Пойтахтимиздаги 1-босмахона жамоаси янги ўқув йили учун муносиб тухфа хозирлади. Бу ерда барча синф ўкувчилари учун мўлжалланган дарсликлар, кундалик ва расм дафтарлари ишлаб чикарилди. Эътиборли томони шундаки, ишлаб чикарилаётган дафтарлар нафақат арзон, балки сифатли ҳамдир.

СУРАТДА: ўкув дарсликлари сараланаёттан пайт акс этти-

Нўъмонжон МУХАММАДЖОНОВ олган сурат.

Энг улуг байрамга хозирлик

(Давоми. Боши 1-бетда). қўшиклар, рақслар ярати-

Қарияларни қадрлаш йили муносабати билан байрам дастурида инсон қадр-қиммати, кекса авлод-

га кўрсатилаётган хурмат-

эхтиром, ўзбекона багри-

кенглик ва мехрибонлик,

миллатлараро тотувлик каби қадриятларни тараннум этишга алохида эътибор қаратилади.

Бу йил Шахрисабзнинг 2700 йиллиги хамда Нукуснинг 70 йиллиги кенг нишонланади. Байрам дастурида ушбу саналарга хам алохида эътибор берилади. Майдонга ўрнатилган улкан

ганда, «чой пули»га ярайди.

Қишлоқда бунга талабгор кўп. Унинг Собитали, Мансурбек

исмли ўғиллари уйланиб, ал-

лакачон бола-чакали бўлиб ке-

тишган. Эндиги навбат Дилмуродбек билан Элмуродбек-

ларга. Дилмуродбек деганла-

римиз қуёшда хўп қорайган,

мушаклари ўйнаб турувчи бўз

бола. Юмушнинг огирини

сира-сира отасига рубару қил-

экранда истиклол йилларида мамлакатимизда қўлга киритилган ютуқлар намойиш этилади.

Байрам тантаналари ер сунъий йўлдоши орқали элликдан зиёд мамлакатга тўгридан-тўгри узатилади.

Мажлисла вилоятларда хам истиклол байрамини юқори савияда ўтказиш

бўяйди-да, ётогига равона

бўлади. Далани чирилдоқлар

овози тутиб кетади. Атрофни

лак-лак чивин босади. Бу ис-

кабтопардан факат пашшахо-

надагина жон саклаш мумкин.

Учовлонга иккита пашшахо-

на бор. Пашшахона ёнидаги

шапалоқдек тўлқин тутувчи

симсиз радиодан таралган ял-

лаю қуй-қушиқ улар учун яго-

на овунчок. Баъзан икки ча-

учун барча чора-тадбирларни кўриш зарурлиги уқтирилди. Хокимликлар, алоқадор ташкилотларга тегишли топшириклар берилди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслахатчисининг ўринбосари А.Мелибоев иштирок этди.

Орамиздаги одамлар

Аввал бир қур чайла ҳақида гапириб берай. Қуруқ ерга қобиғи арчилган, йўғон, тўрт айрили ёгоч кумилади. Айриларга узун-узун харичалар ташланади. Харичаларнинг ҳар-ҳар жойига билак йўгонлигидаги тол новдалари қобиг билан боглаб чикилади. Чайланинг баландлиги одам буйи булиб, юрганда бош тегмайди. «Ковурга» тайёр булгач, бу шохларга янги ўрилган камиш ўраб чикилади. Караб турибсизки, кўлбола уй тап-тайёр! Апрель ёмгирлари ўтиб кетмаслиги учун майнинг адогигача чайланинг томи плёнка билан ўралади. Июнда унинг ўрнига хўл ўтлар ташланади. Нўъмонжон аканинг гапига караганда, ёз пайтида плёнка олиб ташланмаса, чайланинг ичи хаммомнинг ўтхонаси бўлиб кетармиш...

Энди бошка манзараларга эьтибор берамиз. Чайладан то хув анави зовур тепаликларигача ястанган яшиллик пиёз даласи хисобланади. Нўъмонжон ака мана, ўттиз йилдирки, шу экин орқасидан тирикчилик ўтказади. Гапига қараганда, шундай йиллар бўлганки, икки-уч гектарлик даладан чиккан хосилнинг пули копга сигмай қолған. Баъзи йилларда эса қишлоққа пиёз тўла машина билан эмас, кўч-кўронини ортиб, қуруқ ҳам кетишган.

Бу йил ҳам Нўъмонжон ака Имомов Боёвут туманининг «Тараққиёт» ширкат хўжалигидан икки гектар ер олиб, унга пиёз эккан. Бир гектар майдонга уруг сентябрда сочилган бўлса, қолган ярми ноябрнинг ўрталарида калалган. Бири нуш пиёз, иккинчиси эса туксонбосди хисобланади. Нушнинг нархи қиммат, бозори чаққон бўлади. Бирок гози бўлмайди. Туксонбосдининг баракасига тараф йўк. Бир бўлиб берса, хосил еру кўкка сигмайди.

Нуъмонжон аканинг хафсаласию миришкорлигига койил колмай илож йўк. Бир сотих ерга, аникроги, чайла ёнига у кўклам кезларида помидор, булгор қалампири, чаён қалампир, ҳандалак, бодринг, беш-ўн туп амири қовун экали.

У киши пиёзни зироат дунёсининг подшохи хисоблайди. Унинг кушандаси бегона ўт. Юкорида айтганимиздек у ўттиз йилдан буён шамай. ғумай, ажрик, саломалайкум, печак, окбош каби ёввойи ўтларга беомон «уруш» эълон қилган. У соат тонгги туртларла хотини Холдорой янга ва ўгли Дилмуродбеклар билан ўтокни бошлайди. Пиёз даласида ўт деган лашкарнинг сонсаноғи йўқ. Уларга тикилган кишининг боши айланиб кўзи тиниб кетади. Супрадай жойдаги пиёзни ўтдан тозалаш учун одамнинг икки қули камида саккиз-ўн минг маротаба ортга-олдига бориб кела-ди. Урганмаган киши бу юмушта кул урса «уф» тортиб юбориши аник. Бирок учовлон на чарчашни, на «уф» лашни билишали.

Негаки, шу пиёз даласи дан чикадиган хосилга нафақат ўзлари, балки олис Бешариқ туманининг Рапқон кишлогидаги яна етти нафар киши кўз тикиб турибди. Рапкон дегани - йигирма етти минг нафар ахоли яшайдиган қишлоқ. Бу қишлоқни «пиёзчилар қишлоғи» ҳам дейишали. Шу кишлокдан салкам тўрт минг одам эрта куклам Қарши чулларию Жиззах даштларига, Самарқанд далаларию Сирдарё буйларига пиёз экиш учун

қирим наридаги қишлоқдан майди. Жўяк олиш, тепаликатайлаб одам келиб, уларни ка сув ҳайдаш, нишаб тўғритўйга чорлаб кетишади. Ота лаш унга чўт эмас. Бу нозик кетса бола, бола борганда ота амалларни отасидан ўрганган. далада қолади. Езда, кеч соат тўққиз-Нўъмонжон ака хар йили тўққиз яримларда қуёш уфқхужаликка камида 30-40 тонни «лов» этиб қизил рангга Кум гонда Қайнаган чой табан

қалампир нусха гуллари ўчибуникиб кетган дуппини томо-

Қизиқ бир фарқ. Рапқондан ўн беш чақирим нарида жойлашган андархонликлар пиёзни, рапконликлар эса қўшнилари етиштирадиган қовунларни энг машаққатли мехнат хисоблашали Нўъмонжон ака Имомов

хикоясидан: «Улар неча

юз чакиримдан машинамашина ковунни Андархонга ташиб келишади. Уларнинг ховлисида тизза бўйи кавланган каттакатта чукурликлар бор. Ковунлар ана шу чукур-ликдаги кум устига териб чикилади. Ковун жонивор хафта-ўн кун куёшда ту-ради. Куёш еган ковуннинг заха бўлган жойларидаги захарли таъм киш пайтлари, эрта кўклам кезлари танага тарқалмайди. Қолаверса, бундай ковун нихоятда ши-рин бўлади. Биз пиёзни кўтарасига сотамиз. Улар эса кўғага илинган қовунларни доналаб сотишади. Аслида пиёз билан ковуннинг мехнати бир-биридан ўтса ўтадики, кам эмас... Бу экинлардан нон ейман, деган одам пешонасидаги кийикчани йил ўн икки ой ечмаслиги керак...»

Чайла ёнидаги полизда аввал бодринг, кейин помидор, сўнгра эса қовун пишади. Нуьмонжон ака годо-годо дупписига ўн-ўн бешта бодринг териб, йўлдан ўтувчи болаларни сийлаб қолади. Бир гал унинг дупписини обдан томоша қилдим. Чоклари сўкилган, пилтаси чиккан,

килишимни кўриб, Нўъмонжон ака огзини каф ти билан ярим яшириб кулди: «Молтопар-да бу, молто-пар... Шу дуппини Маргилон бозоридан олганимга хам тўққиз йил бўлди. Янгисини кийсам, далада ишлолмайман. Дала деганлари охорли кийимни купам хушламайди...»

Чайла бикинига куриган тут шохлари, шўра ва янток босиб куйилган. Тушда ва кечқурун чирсиллаган янтоғу шўра тут шохларига тутантирик булиб аланга беради. Учокда билкиллаб макарон шўрва, жазиллаган чўг устида эса кумгон шақирлайди. Учовлон қишлоқ дуконидан фақат нону ёг харид қиладилар, холос. Колган масаллиг даланинг ўзидан чикади.

Пиёз пайкалининг четларига мош ва ловия, хар кулоч. хар кулоч жойга эса маккажухори экилган. Маккажухори зич экилмаганининг сабаби пиёз шабадаю шамолга елка тутишни яхши кўради. Шабала айланмаган даланинг пиёзи тарози босмайди.

Нўъмонжон ака тушмагур зовур четларидаги сувнинг тили етган жойларга яна ошковок экади. Уларнинг хар туянинг боласидай булиб, кузга вахимали кури-

Қахрамонимиз тиниб-тинчимаган киши. Кули утокдан бущаганда хам, тинч ўтирмайди. Ариқ уватларидаги шамай, зовур зийларидаги қамишларни ўриб, офтобда обдон кури тади. Бу хашак, Нўъмонжон аканинг таъбири билан айт-



на пиёз топширади. Бирог маротаба на микдор, на режани камайтиришни илтимос килмайдиган мана шу оламнинг табассуми менга ёкади. У киши тирноклари ёрилиб кетган бармоқлари билан огзини ёпиб, болага ўхшаб кулади. Табассумида игнанинг учидай бўлса ҳам гард йўқ. Шу сатрларни ёзарканман, камишу окбош билан чирмаб-ўралган чайла кўз ўнгимда турибди. Сизларга узоқ Фаргонадан чўлга келиб ишлаётган одам тўгрисида хикоя қилаяпман-у, оғзимда қумғонда қайнаган чойнинг таъмини сезаяпман. Мана, саккиз йилдирки, мен у киши ҳақида ҳикоя қилиб беришни кўнглимга тугаман. Саккиз йилдирки, бу нияти ушалмай келарди. Саккиз йилдан буён бу одамнинг ҳар бир қадамини, гап-сўзини, таъмадан, фиску фужурдан асар бўлмаган муомаласини ўзимча талкин киламан.

Гал энди кўнгилдаги иштибохга келди. Балки кимдир «Бир одам олис Рапқондан келиб, қишлоғида ишлаган бўлса ишлагандир. Шу вокеани хам думбира килиб газетага ёзиш шартмиди?» дея гапириши мумкинлиги кўнгилдаги ана шу иштибохга туртки бўлади. Бирок яна шу кўнгил қургур Нўъмонжон ака ҳақида ҳикоя қилаётганимдан қувончларга тўлиб кетади. Негаки, бир қишлоқдан Нўъмонжон ака сингари минглаб одамлар бу юртнинг энг чекка жойларида пиёз экаётганлиги, бир бурда нонини пешона тери билан топаётганлиги бу кўнгил кўчаларини қувонч чечакларига кумиб юборади.

Бу дунёда шундай покиза, шундай ҳалол, табассуми шудрингдан-да бегард одамлар борки, улар ҳақида била туриб, ёзмаслик, менинг назаримда, гунох бўлади. Мен аниқ биламан: бу хикояни ўқиган ҳар бир рапқонликнинг боши осмонга етади. Улар олис бир кишлокда яшаёттан ўз хамкишлоклари билан жиндай гурурланиб қуйишса ҳам ажабмас. ... Тун. Чайла. Чирилдоқ-

лар чириллайди. Икки пашшахона ўртасидаги мўъжаз радиодан тунги ялла таралмокда. Афтидан, Дилмуродбек радио кулогини бураб қуйишни ёлдан чиқарган. Хадемай, бу одамлар уйгонишади. Хадемай, уларнинг киприкларида илиниб турган уйку маржонлари қайгадир юмалаб кетади. Улар куёшдан-да эртароқ туришади. Улар қуёшни мехнат билан карши оладиган одамлардир. Менинг назаримда, бу одамларнинг кўйлаклари этагида, енгларида, қошу киприкларида барака, тукинлик фаришталари илашиб юрибди. Мен бунга аминман.

Аликул ХОНИМКУЛОВ. «Халқ сўзи» мухбири.

Муаллим ва олимни ўйлаб...

(Давоми. Боши 1-бетда).

илмий потенциалини янада кучайтириш ва уни миллий тараққиётни жадаллаштиришга сафарбар қилиш; илмийтадқиқот муассасаларининг ўз тадқиқотлари ва ишланмалари сифат ва натижаси учун масъулиятини ошириш; тадқиқот натижаларини ҳаётга тезкор жорий қилиш; фан ва ишлаб чиқариш алоқаларини мустахкамлаш; илмий-техник, технологик гояларнинг тугилиши ва амалиётда кент фойдаланиши орасидаги вакт ва маблагни тежашга олиб кела-

Мустакиллик йилларида

ўзбек фани ишлаб чикаришнинг бевосита эмас, билвосита кучига айланаётганлигини хам кўрсатмокда. Бу ижтимоий-гуманитар фанларга ҳам тааллукли. Зеро, ўтиш даврида олдимизда турган долзарб муаммолар бор. Уларни ҳал қилувчи асосий куч, бу инсон фикри, унинг ниятмаслаги, фан тили билан айтганда, ижтимоий психология, инсон омилидир. Шу сабабли илмий ходимлар маоши миқдорининг купайтирилиши барча фанлар вакиллари қатори ижтимоий-гуманитар фанлар олимларининг хам масъулиятини ошириши, улар томонидан жамият тараққиёти, унинг ижтимоий муаммоларини ҳал қилишга қаратилган янги-янги кашфиётларида акс этиши керак. Чунки ўтиш даврида ижтимоий хаёт сирларини билган холда кашфиётлар яратиш, ижтимоий хаётнинг бошқариладиган, технологик жихатдан пухта моделини яратишга зарурат жуда катта.

Масалан, Узбекистон халқининг тафаккурини ҳам миллий, ҳам замонавий, ҳам бозор иктисодиёти талабларига мос тарзда шакллантириш, сўзи, иши бир, мард, ватанпарвар ёш авлодни тарбиялашнинг энг мақбул тизим ва технологияларини ишлаб чиқиш, бошқарув кадрларини танлаш, жой-жойига қуйишнинг энг мукаммал тизимини яратиш, миллий тарих, фалсафа, тил, тарбия, менталитет, санъат, кадриятлар му аммоларини тараққиёт талабларидан келиб чикиб янада чуқурроқ ўрганиш, буюк келажакни моделлаштириш ва унга энг киска муддатда элтувчи йўналишларни асослаш

нафақат назарий, балки амалий зарурат булиб турибди.

Буларнинг бариси дастлаб илм ахлининг тафаккурида лойихаланади, бино қилинади, аста-секин чизма, хисобкитоб мезонлари орқали амалиётга кўчади. Бу ишлар хар бир ўкитувчи дарсга кириб ўз шогирдларига самимий айтадиган сўзи, маслахати, илмий мулохазаси, ёзадиган китоби, дарслиги, ўкув қўлланмаси, кўргазмали куроли воситасида амалга оширилади. Зеро, маошнинг оширилиши муаллим олимнинг масъулияти ошиши ҳамдир. Шу сабабларга кўра хам Президентимиз имзолаган ушбу Фармон муаллим ва олимларимиз ижтимоий-маиший хамда моддий турмуш шароитларини яхшилашдек максад сари қуйилган навбатдаги хайрли қадам бўлди. Умид қиламизки, ҳар бир зиёли шу муносабат билан фикрлайди, ўйлайди, мушохада қилади. Уз ишининг сифати учун масъулиятнинг ошишида намоён қилади.

Бугун ҳар биримиз, мустакиллигимизнинг 11 йиллиги арафасида холисона ўйлашимиз лозим: мен ана шу мустақиллик учун нечта пишиқ, етук кадр тайёрладим, олган маошимни ўз мехнатим билан оклай олдимми, олдимга қуйган режаларим хукуматимизнинг ишончини оклашимга хизмат қила оладими, шу юртнинг тинч ва фаровон бўлиши учун биргаликда илм чўққиларини эгаллашга қаратилган дилимдаги гапларим борми? Мен уларни қай охангда, қандай кўтаринкиликда айтишим керакки, щогирдларим мендан ҳам зўр булиб, шу юрт, шу Ватан учун ҳалол меҳнат қилиб беришса?

Шу саволларга топа оладиган яхши жавобларимиз хар биримизнинг юзимизни ёруг қилади, истиклол байрамимиз олдида кайфиятимизни чог этади, олган маошимиз ниятларимиздек хайрли, барака-

> В. КАРИМОВА, психология фанлари доктори, профессор, М. КУРОНОВ, педагогика фанлари

маган киши одамни хам

қадрлаш, эъзозлашдек

ўлмас қадимий удум авлод-

лардан-авлодларга ўтиб ке-

лаяпти. Утаверадиям. Ле-

кин уни сотиш удуми нега

бузилаяпти? Бунинг устига

тартибсизлик, тозаликка

эътиборсизлик қушилгани-

га кўра, нон кўпинча жуфт

харид килинади. Шундай

экан, иккита ёки тўрттадан

алохида салафан пакетлар-

га солиб қуйилса, харидор

кўриб, танлаб олаверади.

Балки бу холатда салафан-

лар ичига қўл тиқилмас,

бир нонда бир неча ўнлаб

қўлларнинг изи қолмас.

Яна бир томони, ёнида нон

солишга идиши бўлмаган

харидорга хам енгиллик ту-

ғиларди. Энг мухими, дас-

турхонга қўйилганда, уни

харид қилгандаги нохуш

манзара кўз олдингизда гав-

даланмайди. Озода новвой

қўлидан тоза салафанда

олинган нон иштахангизни

зуларимиз ушалди. Озод

юртимиз ғалла мустақилли-

гига эришди. Демак, нони-

миз янада кўпаяверади. Қа-

нийди, ана шу улуг неъмат-

га бўлган муносабатимиз-

ни тезда ўзгартиролсак.

Шуни унутмайликки, ўзи-

ни инсон, деб хисоблайди-

ган ҳар бир киши ҳаерда

бўлмасин, давлатимиз, ха-

лкимизнинг энг кимматли

бойлиги, барча неъматлар-

нинг султони бўлмиш нон-

ни қадрлаб, унга ҳамма

вақт таъзим қилмоғи керак.

Нон сотиш, харид қилиш

маданияти шу жабҳада жид-

дий мезон ўрнини ўтаса,

миллат одоби, қадриятла-

ман, томоша қилиб ўтира-

бўлса, ўзим қутқараман.

Тушавер, бир нарса

- Сиз-чи, сиз хам кутқ-

Кийин-кистовга олин-

гандан сўнг болалардан

бири Азизхоннинг сувга ту-

шишини юқоридагича изоҳ-

ганини кўриб, ўзимни сув-

га отдим. Аммо, қарасам,

мен ҳам чукаяпман, зурға

«У сувга тушди. Чўкаёт-

Балки, қутқарарман...

Каранг, неча йиллик ор-

очаверади.

Маълумки, одатларимиз-

Яна биласизки, нонни

хурмат қилмайди.

га нима дейсиз?



Автобус ойнасидан пастдаги манзарани кузатаман. Олдинги ўриндикда ўтирган семиз аёл ўндан ортик сотувчилар қўлидаги нонларни бирма-бир ушлаб кўриб, охирида 2 донасини олди. Олди-ю, қултиғига қистирганича пул санай бошлади. Нон кўтариб турганларнинг уст-бошига разм соламан. Кийимлари кир-чир аёлларга, кўйлаклари дог болаларга кўзим тушади. Наридагиси эса иссикдан хил-хил терлаб кетган, дамбадам пешонасидаги терини қўли билан сидириб, ёнбошига артиб қўяди. Ўша қўллар яна нон кўтаради. Зум ўтмай «иссиғидан бор», дея орқадан келиб тўхтаган автобус томон

Гиждувон автобекатида бўлганмисиз? Унинг олдида Самарқанддаги ахвол хеч гап эмас. Чанг, тутун қоплаб турган катта йўл четидаги болалар аравачалари, ғалтаклар, мослама тахталар устида турли ҳажмдаги нон, патир, қатламалар бехисоб. Йўловчи машинами, автобусми тўхтаса бас, сотувчиларта Худо бергани шу. Бир зумда сизни ўраб олишади. Бақирчакирдан кулоклар шанғиллай бошлайди. Қочишга йўл излайсиз. Нон харид килмасдан тўдадан чикиб бўпсиз. Бир пастда нонлар ўнлаб қўллардан ўтади. Титкиланаверади, титкиланаверади. Энди харид қиламан деганингизда, бошқа бир сотувчи «шу нонни ҳам олаяпсизми, мана буни нон деса бўлади» дея икки-учтасини қўлингизга тутқазади. Шовкин авжига чикади. Бир амаллаб 2 та нонни

локайд бўлмайди.

бўлиб боришсин.

лар хам бўлиб тураркан...

каналига

Сафардан қайтгач, но-

хуш хабар эшитдим: таниш-

ларимиздан бирининг ўгли

чўкиб кетибди. Уч кунда

жасадини топишибди...

«Жойи жаннатда бўлсин,

Аллох ота-онасига тогдай

сабр-бардош берсин». Ал-

батта, одамнинг тилига би-

ринчи шу гап келади. Сўнг

«Тирикликдан насибаси

узилиб турган экан». «Ал-

лохнинг иродаси шу экан,

бандасининг қулидан нима

булган бола (келинг, биз

са хам бўларди, чунки у эр-

тасига болаларни соглом-

Аммо ўша рахматли

келарди», деймиз.

ўйнарди.

«Кичкирик»

ушлаганча орадан чиққанингизга шукур қиласиз.

Автобус салонидаги манзарани айтмай қўя қолай... Хамрохим «буни хакикий бозор деса бўлади» дея кулиб қўйди. Кимдир «Эсиз, чиройли нонларни одамлар эзгилаб ташлашди-да», дея афсусланди. Хуллас, 4-5 дақиқада сотувдаги нонларнинг хаммасига қанчадан-қанча қўллар тегмади, дейсиз. Эрталаб тандирдан чиккан нон кечгача нечта қўлдан ўтишини ўзингиз хисоблаб кўраверинг.

Тунов куни қушни махалладаги бир маъракада қатнашдим. Жой торроқ экан. Дастурхонга қўйилмоқчи бўлган нонлар 10-15 чогли кишининг қулидан ўтиб бизга етиб келди. Оппок, юмшок, қараб тўймайсан киши. Лекин шу энг азиз неъмат дастурхон юзини кўргунча яна қанча қўллардан ўтмаган дейсиз. Хамма қўллар хам тозами-

Бозорларда нон сотилишини кузатганмисиз? Яна ўша манзара. Харидор қўли тегмаган нонни топиш кийин. Гохида ўзингизга ёққан нонни харид килмокчи бўласиз-у, сотувчининг афт-оашарасига, кииинишига, дастурхонига қараб кўнглингиз ғаш бўлади. Баъзан кўча-куйда одам гавжум жойларда харидорни тезрок топиш учун даста-даста нонларни куксига босганича йўл тўсаётган сотувчиларга дуч келасиз. Авуст-бошидан кўнглингиз хира тортади. Тирноги ўсиб кетган бармоқлар, дам пул санайди, дам бўйнидаги терни арта-

ди, яна нон ушлайди. Ин-

лаштириш оромгохига дам

таъкидлаганимнинг боиси

бор, албатта. Хатто, бобо-

си Азизхонни ўша куни

хаво иссиклигидан машгу-

лотга юборгиси хам келма-

икки кунга эмас, йигирма

кунга кетяпман. Тренери-

мизни хабардор қилиб

лиятни хис қиладиган бола.

Одатдагидай, соат 7 дан 9

гача бўладиган машгулот-

Демак, Азизхон масъу-

Акам лагерга кийим

қуйишим керак, — дейди.

- Додажон, мен бир-

Мен бу гапни алохида

олгани кетаётганди.

ди. Аммо у

Хукуматимиз ёшлар, болаларни қанчалик севиши

бугун хаммага аён. Шунинг учун давраларда

«ёшлар, болалар» сўзлари тилга олинса, хеч ким

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури бўйича

мактаб ва турли марказларда имкониятларнинг

поёнига етган илк боскич ва давом этаётган иккинчи

боскич таълим-тарбия ишлари – богча-гимназия-

ларнинг ташкил этилиши, истеъдодли болалар учун

кенгайиши, коллеж ва лицейлар қурилиши, ўқитиш

услуби, дарсликлар янгиланиши — хамма-хаммаси

олиб борилаётган узлуксиз жараёнлардир. «Кувнок

мусобақалар, турли кўрик-танловлар замирида хам

шу олижаноб максад бор. Токи, ёшлар, ўсмирлари-

Аммо хаёт хаёт экан-да, шунча эзгуликлараро

одамни ўйга толдирадиган вокеалар, хатто фожеа-

мамлакатимизда комил инсонни тарбиялаш учун

стартлар», «Умид нихоллари» каби катта-кичик

миз эртага бугунгидан билимли, аклли ва доно

жиқ харидор саватдаги нонларни бирма-бир ушлаб кўради-ю, йўлига кетаверади. Шу ахвол кечгача давом этаверади.

Энди жиддий мулохаза

юритайлик-чи? Нон энг табаррук неъмат, хамма нарсадан азиз деймизу ҳар дақиқада унинг у ёқдан бу ёкка иргитилишига ўрганиб қолмаяпмизми? Дунё дунё бўлиб нон меъдага тегмаган, нондан безган одам йўқ. У оқми ёки қора, сифатлими ёки сифатсиз барибир нон. Инсоннинг энг зарурий эҳтиёжи. У уйимизга келиб, дастурхонимиздан ўрин олгунча узоқ йўлни босиб ўтади. Унга дехконнинг захмати, тегирмончининг мехнати, новвойларнинг мехр-мухаббати қоришган. Гап эса ана шу улуг неъматнинг бозордаги ўрни ҳақида бораётганини сезгандирсиз. Нон - бозорларимиз кўрки. Шундай деймизу, барибир бозор-бозор-да. Аввало, бозорларда нон расталари ўз ўрнини топмаган. Турли латта-путталар, темир-терсаклар ёнидан нон харид қилиш кишининг ғашига тегади.

Нега энди бозорнинг энг тоза, энг гўзал гўшасидан нон учун жой ажратилмайди? Юқоридаги холатлар табаррук неъматни менсимасликка олиб келаяпти-ку. Ахир, инсон учун, унинг саломатлиги учун тайёрланаётган нонлар нега бунча титкиланаяпти? Тўгри, уни тайёрлаш, ташиш, сотишнинг ўзи бўлмайди. Сўнгги масъулият сотувчи зиммасилалигини хам хис этамиз. Бирок нон сотиб турганларнинг ичида оқ халат кийганлари борми? «Нега халат киймадинг?» дегувчи кишини уч-

ратиш қийин. Давлат сани-

тария назорати ходимлари

эса бу холни кўриб,

кўрмасликка олишади. Би-

оллирмокчи эди, ойимнинг

олдига кетгандир, - дейди

Шу билан бува хотиржам

Туман жиноят қидирув

тортади. Азизхоннинг

йўқолганини онаси уйга

келгач, соат кечки саккиз-

булимининг тавсияси би-

лан бечора ота-она то 4

июль тонготаригача шахар-

даги оёклари етган касал-

хона, ҳатто, ўликхоналарга

кириб кўришади. Хеч қаер-

лар атрофида билади.

да боладан дарак йўқ.

синглиси.

ласиз, бозор маъмуриятири яна бир жихатдан ўз нинг хаёлида бошқа гап. ўрнини топган бўларди. Айтмокчимизки, энг бе-Абдувахоб ПИРМАТОВ, бахо, арзон неъматимиз сотув жараёнида хўрланмасин. «Халқ сўзи» мухбири.

ман!

арасизми?

Германияга даволаниш учун

Кеча Тошкент халқаро аэропортида Германиянинг Дюссельдорф шахрига 9 нафар бемор болани кузатиш маросими

Маълумки, шу йилнинг 2-4 июль кунлари «Соглом авлод учун» халкаро хайрия жамғармаси, Германиянинг «Пис Виллаж Интернейшнл» (байналмилал тинчлик қишлоғи) Халқаро ташкилоти ва республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан узок муддатга мўлжалланган уч томонлама хамкорлик шартномаси имзоланган эди.

Германия томони шартнома дастури доирасида даволаниш учун юбориладиган бемор болалар ва уларнинг ота-оналари билан сухбатлашиб, уларни Оберхаузен ва Люссельдорф шахарларидаги нуфузли даволаш муассасаларида даволашта кели-

шиб олинли. Болалар малакали шифокорлар куригида бўлиб, 3 ой мобайнида муолажалар олади ва «Пис Виллаж Интернейшнл» хайрия ташкилоти ёрдамида Ўзбекистонга қайтадилар. «Соглом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасининг Германиядаги «Пис Виллаж Интернейшил» халқаро хайрия ташкилоти билан ўрнатган хамкорлиги республикамизда соглом авлодни шакллантириш борасидаги

м.юсупов, «Халқ сўзи» мухбири.

Makmab **Бозорлари**

Август ойининг иккинчи ўн кунлигидан бошлаб Бухорода "Мактаб бозорлари" сони яна ўнтага кўпайди. Бу ерда ўкув қуролларидан ташқари мактаб формалари, пойабзаллар, лицей ва коллежлар ўкувчилари учун махсус кийим-бошлар ҳам ўрин олган. Буларнинг барчасини "Бухоросавдо" савдо-ишлаб чиқариш акциядорлик компанияси ўз зиммасига олди.

ларди. Улар бундай қилма-

гани қилмаган, Азизхон-

нинг бувисиникига кетгани

хакидаги ёлгон ана шу

қўрқоқлик (балки хоинлик)

бўламан! — дер эди Азиз-

оламан, ошпаз бўла қол,

қўлинг ширин бўлса,

хамма дуо қилади, - деса-

лар, — ҳам учувчи, ҳам ош-

паз бўламан, - дерди.


- Катта бўлсам, учувчи

Куй, ўглим, хавотир

устида тўқилган...

хон бувасига.

Буважони:



Фикрлашни болаликдан ўрганинг.

Рустам ШАГАЕВ (ЎзА) сурат-лавхаси.

Талабадан мактуб

Кашандалик умр заволи

Дам олгани уйга - Самаркандга автобусда кетаётганимда шахарга етмасдан, Чўпонотада ХОН ультра лайс сигаретаси тасвири туширилган реклама таблосига кўзим тушди. У шунчалик махорат билан ишланганки, хатто чекмайдиган одамнинг хам чеккиси келади. Унда яна «ХОН шубҳасиз бизникидир!» дея гурур ила ёзилган. Бу билан улар «Улсанг ҳам, заҳарлансанг ҳам ҳақиқий шарқона лаззат ҳисоблан-

миш ХОНдан ўл ва захарлан» демокчи бўлишган, шекилли. Бу мақолани ўқиётганлар «Э, шу ҳам

гап бўптими, чивиндан фил ясаяпти», дейишлари мумкин. Лекин сигарет муаммоси аллақачон дунёда энг йирик ва долзаро муаммога аиланио оулган. Дозирги кунда бу офатга қарши нафақат АҚШ ва Европа, балки жахоннинг бошқа кўплаб мамлакатларида оммавий равишда кураш олиб борилмоқда. Сигарет махсулотларини реклама қилиш у ёқда турсин, кўп жойларда чекиш ман этилган ва бу қоидани бузган шахслардан катта микдорда жари-

Ешларни чекишта қизиқтириш, ташвиқот қилишда эса «реклама»нинг роли катта. Яна шу нарсани таъкидлаб ўтиш зарурки, сигарет бу наркотик ҳамдир.

Бу офатнинг хавфли эканлигини била туриб, қачонгача ёшларнинг захар ютишига йўл қўйиш мумкин? Нахотки, ўша чет эл ёки ўзимизнинг ЎзБАТ чикарган сигаретлардан келаётган фойда ёшларимиз ва халкимиз соглигидан кимматли-

Дилшод САТТОРОВ, Жахон иктисодиёти ва дипломатия

университети III боскич талабаси.



қайтиб келармиди, булар хам бировнинг боласи...

миз. Улар Азизхоннинг чўкиб кетишини, оддий

Ха, биз хам шундай дей-



дан сўнг болалар уй-уйлауни Азизхон деб атай рига тарқалишади. қолайлик)нинг 3 июль куни Азизхон қушниси 15 ёшли Х., 11-13 ёшлар ора-сидаги А.Р., И. Х. исмли эрталаб уйидан чикиб кетганидан то бугунгача унинг атрофида руй берган вокеаспортчи дўстлари билан ларни ақл кўзи билан ку-«Қичқириқ» канали тарафзатиб, тахлил қилсак, юрак қаъридан бир неча бор: га бурилишади. «Нега?», «Нечун?» деган Азизхоннинг буваси

сўрок отилиб чикади. соат 11 ларгача невараси-Азизхон пойтахтимиздани кутади. Ахийри, доим футболга бирга қатнайдиган ги мактабларнинг бирида Х.нинг уйига чиқади. аъло бахоларга ўкирди. Бо-- Азизхон бувимникига лалар-ўсмирлар спорт маккетаман, деб бекатда автотабига қатнарди. Футбол

бусга чикиб кетди, - дей-Уша машъум 3 июль Бува, табиийки, бу гапга куни хам у футбол машгуишонади. Кудасига телефон лотига келган эди. Холбу хам килади. Аммо Азизхон ки, Азизхон бу гал бормау тарафга бормаган бўлади.

Унинг кечаги шерикларидан қайта суриштириш хеч кимнинг хаёлига келмайди. Ахир, ким 11-15 ёш болалар, туппа-тузук оиланинг фарзандлари ёлгончиликка қодир, деб ўйлайди?

Нихоят, эртаси соат 11 ларда калаванинг учи топилади. Азизхон футбол ўйнайдиган майдонда болалардан бири кеча уларнинг машгулотлардан чўмилгани кетишганини айтади.

- Азизхон, ечин, туш сувга!

Мен сузишни билмай-

қирғоққа чиқдим», - дейди кушниси Х. Вокеа кандай бўлишидан қатыи назар, болалар бировни астойдил ёрдамга чақирмаганлар. Холбуки, Кичкирик» каналининг худди шу жойига жуда яқинда чойхона бор эди. Хали хўрандалар тўпланмаган бўлса-да, фаррошлар супуриб-сидириб юришганди, яна нарирокда йўл бор эди. Агар 4-5 бола — овозлари дуриллаб қолган, ўсмир болалар «Дод» деб тўрт ёққа ёрдам сураб чопиштанда биров булмаса, биров ёрдамга ке-

Акаси Азизхоннинг сирдоши, у сингилчасининг мехрибон акаси эди.

Мана, энди у йўқ. Унинг жасадини уч кун «Қичқириқ» буйлаб қидиришди. И. исмли шерикла-

рининг онаси: - Углим ўн кундан буён уйдан чиққани йўқ, — деб ўша куни И.нинг Азизхон билан бирга эканлигидан

Угилчаларини тупрокка топшириб, юраклари чилчил булган ота-она бошка болаларни излашмади, юзлаштирмадилар. Азизхон хазил окибати ўлимга олиб боришини билишмаган, ал-

Вокеа руй бергач, қурқиб кетишган, ёлгон хам қурқув оқибати...

Хуллас, уларни оқлайман, десак, бахона куп. Бундай фожеа ҳақидаги гап-сўз тез таркалади. Бирорта махалла фаоли: «Хай, болам, ё ҳай фалончи, бу ёққа кел, нима қилиб қуйдинг», дедимикин? Еки шу болаларнинг ота-онаси яқинлари, фарзандлари би-

лан астойдил, юзма-юз ўти-

риб юракдан гапиришдиспорт тури майдонда бир тан, бир жон булишга ургалармикин? Хеч йўқ. Азизхон чўкиб кетгандан сўнг тадиган, ҳар қандай оғир ота-онасини сарсон қилдақиқада шеригига ёрдамга шай туришга бошлайдиган май, уларга бор ҳақиқатни айтиб бериш ҳам маълум спорт-ку. Нахот, бу боладаражада ўртоқларининг дар дарвозани химоя килиб, хотираси олдида айбларини факат гол уришни ўрганишювиш керак эканлигини ган, энг мухими, ўйинда хам, уқтирдиларми?

Ахир, Азизхоннинг ўрнига хар бирининг боласи бўлиши мумкин эди-ку. Қолаверса, ҳеч ким индамаган такдирда ҳам болаларининг ўзлари нима бўлганини аниқ билишадику. 5-6 спортчи болалар биттагина дустларини кутқармагани, энг ёмони, қутқаришга уринмагани ҳақку. Бу ҳақиқат бир умр уларнинг виждонига кора тамға булиб босилиб қолади барибир. Еки бир неча муддатдан буён Азизхон шуғулланаётган спорт мактаби тренери ўша кун фожеа устида бўлган шогирдларини йигиб, мухокама қилдимикин? Ахир, футбол фақат чиниқиш учун бўладиган спорт эмас-ку. Бу

хаётда хам инсон эканлигини унутиштан бўлса? Ха, бизга хеч ким ариза билан мурожаат қилмади, дейишлари мумкин махалла хам, тренер хам. Аммо бир бола нобуд булди. У... омон қолиши ҳам мумкин эди-ку. Тўгри, Худойимга исёнимиз йўқ. Узи берган омонатини ўзи олади. Аммо Яратган эгам хам куркоклик эмас, ботирликни, хоинлик эмас, садокатни, локайдлик ва бепарволикни

эмас, сергаклик, жонкуяр-

ликни хуш кўради. Шундай

фожеалардан сўнг хеч кур-

са, ўз болаларимизни «сил»

китиб» қўяйлик: улар ни-

мага қодир? Кутлибека PAXMMEOEBA.

ТАХРИРИЯТДАН: =

Мақолани ўқиган айрим газетхонлар муаллиф баъзи ўринларда эхтиросга берилибди, дейишлари хам мумкин. Аммо билдирилган фикрлар, куюниб айтилган мулохазаларда хар бир ота-она, хар бир устоз ўйлаб кўришга арзийдиган гап бор. Аслида мазкур мақоладан мақсад одамларни қай бир жихатдандир ўзига төртадиган вокеани айтиб бериш эмас, Хаммамиз биздан кўра яхшироқ бўлишини истаб, умид кўзимизни тикиб турган болаларимизга лоқайдлик, бепарволик аталмиш иллат ўтиб кетса... Биз индамасдан уларни аясак, бу иллат эртага улар учун оддий хаёт тарзига айланиб кетмасмикин? Бизни ана шу савол ташвишга солади. Бу хакда фикрингизни ёзиб юборинг, мактубларингизни кутамиз.



Бир танишим бор. Каттагина бизнесмен. Нимагадир машинасининг олд ойнасига доим тумор, кўзмунчок осиб юради. Бунинг хам ўзига хос хикмати бўлса керак-да. Қайси куни учрашганимизда ёрилиб қолди:

 Баъзи одамларга ҳайронман, Носир ака. Машинани зийнат ёки шунчаки хашам, деб ўйлашади. Йўк, менимча, ундай эмас. Машина — бу, аввало, мулк. Мулкингизга биров хиёнат қилса, қандай ахволга тушасиз? Яқинда денг, Чорсу бозорига йўлим тушди. «Тико»ни тўхташ жойида қолдириб, ичкарига кирдим. Орадан қанча вақт ўтди — билмайман. Бир махал чикиб қарасам, э-вох... капотнинг ярим газ жойи ўткир тиг билан қирилган, бўёги кўчиб ётар эди. Юрагимнинг аллақайси томири «чирт» этиб узилгандек бўлди. Пул териб юрган паттачи боладан сўрасам, елка қисади. Балки сиз биларсиз: шахримизда «автостоянка» лар учун жавоб берадиган масъул идора борми ўзи? Машинанинг техник хавфсизлиги таъминланмаса, мижоз нима учун ва қандай асосга кўра хизмат ҳақи тўлаши керак?

миз унга малол келганлиги юзкўзларидан сезилиб турарди. ekamhuhz Текширишга рухсатномангиз борми? - «хужум»га ўтди раис дабдурустдан. — Биз акционерлик жамияти хисобланамиз. ебош назоратчилари

COFAOM pakobam kepak

Очиги, ушбу мулохаза мени ўйлантириб қўйди. «Етказилган моддий зарарни ундириб олишга ҳаракат ҳилмабсиз-да, бунга хаккингиз бор эди», демокчи бўлдиму, аммо индамадим. Сухбатдошим ўзи сезмаган холда, камина учун мухим бир мавзунинг «дарча» сини очиб берган эди. Хақиқат таққослашда намоён бўлади, дейдилар. Сир эмас, кейинги йилларда барча жойда булганилек, пойтахтимизла хам турли русумдаги енгил автомобиллар кўпайиб бораяпти. Улар туфайли узогимиз яқин, мушкукиши мехнат килали. лимиз осон. Хусусан, ўзбек диё-Очигини айтсам, биз учун рининг дунёвий нуфузини ошиалохида хизмат худудлари ажраришга хизмат қилаётган «Нексия», «Тико», «Дамас», «Матиз»-

рланмай, бўладими, ахир! Буларнинг хаммаси яхши, хаммаси бор гап. Хаёт эса хеч қачон бир нуқтада тўхтаб турмайди. Автотранспорт воситалари салмогининг ошиши ўз навбатида уларни замонавий сақлаш ва тўхташ жойлари билан таъминлаш масаласини кун тартибига қуймоқда. Шаҳар ҳудудида, табиийки, ушбу муаммони осонгина хал этиб бўлмайди. Демак, қушимча имкониятларни излаб топиш керак. Ана шундай имкониятлардан

ларни кўрганда кувонмай, фах-

бири, шак-шубхасиз, тўхташ жойларини хусусийлаштириш, яъни талбиркорлар ихтиёрига топширишдир. Бундай усулнинг самараси жахон тажрибасидан яхши маълум. Вазирлар Махкамасининг «Автомобиллар тўхташ жойлари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўгрисида»ги 387-сонли қарорига асосан пойтахтимизда хам талай ишлар амалга оширилмоқда. Уларни бирма-бир санашга хожат булмаса керак, деб уйлаймиз. Қарорнинг 2-бандида таънидек, «автомобиллар сусийлаштириш объекти хисобланади, ер участкалари эса капитал қурилиш қилмасдан, фойдатга фойдаланишга берилади». Хўш, бу талаблар амалиётда

ўзининг тўлик ижобатини топаяптими? Хусусийлаштирилган нукталарда хизмат сифати ва маданияти қандай? Таъкидлаш жоизки, хозирги кунда пойтахти мизда автомобиль тўхташ жойлари фаолияти устидан назорат олиб борувчи ягона тизим мавжуд эмас. Шу боис уларнинг сони ҳақида аниқ маълумот олишнинг имкони булмади. Тўгри, шахар хокимлиги ободонлаштириш бош бошқармаси хузурида қисқа муддатли автомобиль тухташ жойлари («парковкалар») хизмати ташкил этилган. Бу ташкилот хисобида 17 та объект бўлиб, жами 47

тилмаган, — дейди ташкилот бошлиги Б.Усмонхонов. — Шунинг учун йўл чеккалари, очик сахнлар, бозор ва гавжум кўчалар ўрамидаги бўш жойлардан фойдаланишга мажбурмиз. Тўгри, бозор шароитида иктисодий ракобат булиши керак. Аммо бу ўзбошимчалик ёки қонунларни менсимаслик, дегани эмас. Соглом ракобаттина тараққиётта йўл очади. Амалда нима бўлаяпти, денг? Хусусийлаштирилган кўпгина тўхташ жойларида хизмат маданияти ночор. Пулга «тузоқ» қўйган айрим шахслар уларни соғин «сигир»га айлантириб олишган. Ягона тариф сиёсати юритилмайди. Натижада фукаролар бундан норози бўлиб, бизга мурожаат

 Сизларда шундай ваколат борми?

- Афсуски, йўқ. Хозирги кунда фаолият юритаётган тўхташ жойларининг аксарияти расман хеч каерда кайд килинмаган. Шундай экан, тегишли хукукий хужжатлар - лицензия, ер майдони ажратилганлиги хакила шахар хокимининг карори ёки фарраси билан келишилган чизма харитаси ва хоказолар хакида гапиришнинг ўзи ортикча. Кун-

ёки автомобиль тухташ жойларида качон тартив ўрнатилади?

майди, ракамланган квитанция лар деярли ишлатилмайди.

Бирида яхши, bupuda akcu

Бу фикрларга нимани қушимча қилиш мумкин? Харқалай, шамол бўлмаса, дарахт-нинг шохи қимирламайди. Майли, бу хусусда кейинроқ... «Зарафшон» ресторани ён-атрофи турли русумдаги автомашиналар илан ҳамиша тирбанд бўлади. Юқоридаги ташкилотга қарашли хизмат нуқталаридан бири ана шу худудда жойлашган. Майтахминан 1000 квадрат метр. Икки йилдан бери тўхташ жойи сифатида фойдаланилади. Уша куни соат 12.00 да ўн тўртта машина бор эди. Кунлик тушум — ўртача 11-12 минг сўм. Узаро хисоб-китобда ракамли чипталардан фойдаланилади.

«Тошкент универмаги» АЖга карашли тўхташ жойида эса манзара бошқачароқ. Назоратчи-кассир Э.Абдусатторов «пости»ни шу атрофда дока сотиб юрган А. Мирахматов деган йигитга топшириб, ўзи овқатлан-гани кетган экан. Бир маҳал ҳаллослаганича келиб қолди.

- Лицензиянгизни кўрсак бўладими? — сўраймиз ундан. Канақа лицензия? Энди эшитиб турибман.

 Бригадирингиз ким? Голиб ака Азизов.

Иш билан кетган. Орадан кўп ўтмади. «Иш билан кетган» Толиб ака ширакайф холда пайдо бўлди ва бизга нисбатан таъна тошларини дик, бригадир Тошкент шахар маиший хизмат уюшмаси томонидан берилган қандайдир гувох-

 Тўхташ бекатини хусусийлаштириш ҳақида шаҳар ҳоки-мининг қарори борми? ДАН рух- Буни «катта» лардан сўрай-

Хаммаси равшан эди. Ўша куни тушгача 30 та чек сотилган. Лекин унда пул микдори кўрсатилмаган. Ё остидан, ё устидан дегандек, ҳаммаси аралаш-қуралаш. Энг ажабланарлиси, дукон ходимларининг шахсий машиналари хам шу ерда қўрикланадию, улардан хизмат хаки олинмайди. Буям бир имтиёз, шекилли...

Дўкончилар айни масалада Тошкент аэропорти жамоасидан ўрнак олишса, хўп савоб иш бўларди. Нега дейсизми? Мавжуд 3 та бекат тўлиқ компью-терлаштирилган. 51 ходим уларни навбати билан бошкаради Ахир, иш кечаю кундуз ташкил этилган-да. Мижоз хизмат худудига кираётиб, ўтирган жойида махсус ускунанинг тугмачасини босса бас, ракамланган чек қоғози қозиру нозир. Кириш ва чикиш йўлаклари тўртта. Катта операторнинг айтишича, бир соатлик хизмат учун 200 сўм хак олинади. Бу тартиб аэропорт ишчи-хизматчилари учун ҳам мажбурий. Бир соатдан ошик вақт учун устама ҳақ тўланади Энг мухими, бу ерда таъмагирлик, юлгичликнинг пайи қирқилган. Канададан келтирилган за монавий хисоблаш ускуналари-

Чўнтакни адаштирманг

Бозор — юрт кўрки. У инсонни бокади, туйдиради, кий-интиради. Ризк-насиба халол бунга хеч кандай эътироз йўк Аммо... мўмай пулга «ўрганган» қўллар ҳалол билан ҳаромнинг

Содда бўлманг-да, биродар. Кўйлик дехкон бозоридаги си эгалланган. Бу кўринмас «занжир» қаердан бошланиб.

каерда тугашини хеч ким билмайди. Бозор худудида пулли автомобиль тўхташ нуқталари бир нечта. Тошкент халка йўли ёкасидаги бетон тўсикли майдон эртаю кеч гавжум, танга ташласангиз, ерга тушмайди. Вилоят туманларига қатнайдиган хусусий машиналар ушбу манзилда тўхтаб, мижоз олади.

Туйтепага икки киши! Кани, Пскентга борми, Пскентга!

Бўканинг машинасидан

Олаговур, чоп-чоп... Бир пас турсангиз, бақирган-чақирган овозлардан кулогингиз том битади. Кириб-чикаётган автомобилларнинг сон-саноги йўк. Бўсағада — бетон тўсиқ ёнида ўтириб олган йигит пул йигиш ва санаш билан овора. У биронта машинани кўздан кочирмасликка интилади. Биз чекка рокда туриб, ўзимизча журналистик текширув ўтказишга қарор қилдик. Уша куни соат 5.20 дан 5.30 гача, яъни ўн дакика ичида ўндан зиёд шахсий транспорт воситалари «пулсирот» дан ўтиб, йўлга равона бўлди. Улардан хизмат хаки (соатига— 300 сўм) ундирилдию, лекин хеч кимга тўлов чиптаси берилмади. Мана, ўша машиналардан айримлари: 11-L-21-28 давлат рақамли «Тико», 11-L-75-78 рақам-ли «Жигули», 11-N-25-23 рақам-ли «Дамас», 11-D-82-83 рақамли фургон «Жигули» ва хоказо.

- Бу ерда «хўжайин» ким? - сўраймиз пул чангаллаган паттачи йигитдан. - Хусан ака.

Фамилияси?

- Билмайман. Очиги, мен Каранг-а, Акмал Мирзаев исм-

ли бу «шоввоз»га хали буйрук хам чиқмаган экан. Шундай бўлса-да, у мўмай пул топишган тартибни бузиб, ўзбошимчалик билан иш тутаётганини қандай тушуниш керак? Улгуржи сабзавот бозори худудидаги вақтинчалик тўхташ жойида хам ахвол шу: тушум пулларининг га караб окаяпти. Назоратчиларнинг ўзи хон, кўланкаси майдон. Автотранспорт эгаларига на киришда, на чикишда чек берилади. Биз ана шу хусусда сўз очгандик, назоратчи З.Очилов зининг органда ишлаганини писанда килиб. эсимизни «киритиб» қуймоқчи булди. Айтингайтинг, ишкилиб энди бу ердаги паттачиларнинг мушугини биров «пишт», дея курмасин-да! Акс холда...

3okupob xyxxxam сўрайди

«Отчопар» бозори худудида салобат тўкиб турган қўш тулпор тимсолини кўргансиз, албатта. Илгари унинг ён-атрофида савдо-сотик килинар, очик ва ёпик сахнлар эртаю кеч гавжум бўлар эди. Майдон хозир

четки одамнинг ҳаққи йўқ. Ёзиш керак бўлса, ана, яхши ишларимизни ёзинглар. Янги отхона, югуриш майдончалари, сакраш тўсиқлари қурдик. 287 млн. сўмлик акциямиз бор. Билсангиз, ташкилотимиз фаолияти Фалончи Фалончиевичнинг шахсий назоратида..

хам гавжум. Фақат энди бу худуд

буюм бозорига эмас, балки

«Тошкент-отчопар» акционер-

лик жамиятига қарайди. Тўгри-

роги, Хоразм ва Кашкадарё ви-

лоятларидан келадиган хусусий

автобуслар учун пулли тўхташ

жойига айлантирилган. Тушган фойданинг асосий кисми от

спортини ривожлантиришга

йўналтирилади. Максал яхши

Хўш, хизмат маданияти қандай?

Хайдовчи ва йўловчилар учун

зарур шарт-шароит яратилган-

ров ушбу саволларга тайинли

жавоб қайтаролмади. «Ташриф»и-

Жамият раиси Латиф Зоки-

Ана, холос! Биз жаноб раисга журналистнинг қонуний бурчи ва ваколатлари, у тегишли хизмат хужжатига асосан, мутасаддилардан ўзини қизиқтирган ахборот ва маълумотларни олиш хукукига эга эканлиги хусусида гапириб ўтиришни бефойда, деб билдик.

Касални яширсанг, иситмаси ошкор этади. Дастлабки хулоса шундай: жамият тасарруфидаги

тўхташ майдони ё назоратдан етда, ё умуман, назорат қилинмайди. Хамма ўзи билан ўзи. Теварак-атроф антисанитария холатида. Майдон ва йўлкаларнинг асфальти емирилиб, шагали очилиб колган. Бирон машина жойидан қўзгалгудек бўлса, ана унда кўринг чангтўзонни. Газ сув, писта, турли пиширикларнинг бозори чакқон. «Тадбиркор»ларнинг қўлиқулига тегмайди. Биз текшириш кунида бу ерда икки соатча бўлиб, бирорта милиция ходимини учратмалик. Кизик. жамоат жойларида тартиб ва интизомни саклаш, транспорт воситалари хавфсизлигини таъминлаш уларнинг биринчи гал-

даги бурчи эмасми? Тўхташ бекатида йўловчи автобуслар учун 2000 сўм хизмат хаки белгиланган. Бу пулнинг қанчаси давлат хазинасига тушаяптию, қанчаси шахсий чўнтакларнинг «қоронғи» бурчакларида йўқ бўлиб кетаяпти аниклаш махол. Чунки кунлик тушум режаси белгиланмаган. Ётиш-туриш, ювиниш учун ҳеч қандай шароит йўқ. Ўзаро суҳбатда кўплаб ҳайдовчилар автобус салонида тунашга мажбур бўлишаётганини айтишди.

Одатда тўлов чеклари хизмат худудига киришдан олдин берилиши керак. Лекин бу ерда ундай эмас. Айтайлик, биз ўша куни 22 F 93-36 давлат рақамли (Хоразм) «Икарус» ҳайдовчиси Р.Юсупов, шундай русумдаги 255-70 ракамли (Шахрисабз) автобус хайдовчиси Ш.Эсанов қўлида тўлов патталарини кўрмадик. Холбуки, улар бир соатдан бери шу ерда туриб, мижоз кутишаётган эди.

Автобекат худудида жойлашган хусусий ошхонада маданиймаиший шароит ночор. Ошхона мудири Ю.Рўзиевни учратишнинг иложи бўлмади. Нахотки у хар дақиқа чанг-ғубор кўтарилиб турадиган жойда таом тайёрлаб сотиш санитария-гигиена коидаларига мутлако хилоф эканлигини

Киссадан хисса

ёхуд маколага сигмаган мулохазалар

авзуни ўрганиш жараёнида дилни хира Мавзуни урганиш жарастара хам дуч киладиган бошқа холатларга хам дуч келдик. Гавжум жойларни ўзбошимчалик билан эгаллаб, улардан автобекат сифатида фойдаланаётган «тадбиркор» ларда тегишли юридик хужжатлар йўқ. Лекин улар бемалол фаолият юритишаяпти. Шундай чогларда беихтиёр «Нима, шаҳар бедарвозами?» дея ўйлаб қоласан киши. Бир вақтлар Олой, Чорсу, Отчопар, Аския бозорларидаги кириш-чикиш жойлари компьютерлаштирилган, назорат-касса аппаратлари билан таъминланган эди. Энди эса... Ким кимни алдаяпти — билиб бўлмайди.

Албатта, дунёда эгасиз нарсанинг ўзи йўқ Биз тилга олган ўша «тўсик»хоналар аслида кайсидир ташкилот ёки юридик шахсга тегишли. Маълум бўлишича, айни кунда пойтахтимиз худудида «Тошбозортайёрловсавдо» акционерлик жамияти, «Узбектуризм» миллий компанияси, гараж-техник хизмат кўрсатиш шахар хўжалиги бошқармаси, турли вазирлик ва идоралар,махаллий хокимликлар, «Махалла» хайрия жамғармалариға қарашли кўплаб тўхташ жойлари фаолият кўрсатмокда. Уларда иш тартиби хам, хизмат хаки хам турлича. Тендер асосида хусусийлаштирилган аксарият «автостоянка»ларда тартибнинг ўзи йўк. Солик тўланмайди, кунлик тушум хеч қаерда қайд килинмайди. Хўш, тўхташ жойлари фаолиятини мувофиклаштириш, бошкарувни енгиллаштириш, махаллий бюджетга тушумларни кўпайтириш учун нима қилмоқ керак? Муаммонинг ечими борми, йўқми?

— Бор, — дейди Б.Усмонхонов фикрини давом эттириб. — Фикримизча, шахар хокимилиги хузурида автомобиль тўхташ жойлари фаолиятини мувофиклаштирувчи ваколатли тузилма барпо этилса, мақсадға мувофиқ бўларди. Майли, бу ташкилот мулкий субъектларнинг молиявий фаолиятига аралашмасин, ишлаб топган пулига шерикчилик қилмасин, балки умумий назоратни амалга ошириш ва тухташ жойларида қонуний тартиб ўрнатиш билан шуғуллансин. Ушбу ташкилотга маълум хукукларни бериш керак. Токи лозим бўлганда, ундан тегишинча жавобгарликни талаб қилиш мумкин бўлсин.

Нима хам дердик, ўз сохасида кўзи пишган рида жон борга ўхшайди. Харқалай, бу хам бир таклиф-да. Иш ман фаатини яхшилашга хизмат қилса, балки ўйлаб кўриш керакдир. Нима бўлганда хам автомобиль тўхташ жойларида хукм сураётган «ёввойи» тартиб, аникроги, тартибсизликларга ортик тоқат қилиб бўлмайди. Бу ишга мутасаддилар айниқса шақар хокимияти, йўл харакати хавфсизлиги бош бошқармаси нега ўз сўзларини айтишга шошилишмаяпти?

Савол кўп, жавоб эса..

Носир ТОШЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Мухтарам юртдошлар!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ОЗИКОВКАТСАНОАТ» УЮШМАСИГА КАРАШЛИ

КАНДОЛАТ ИШЛАБ ЧИКАРИШ ХИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

curapun ayunanub keadimean gymayr aliem — Мустадинивания Ш йимиви билан цутлаб, байрам дастурхонингия СО турдан янёд цандолат махдулотларини morning smadus

Улгуржи харидорлар учун бежирим қадоқланған 10 турдаги янги шоколадлар, 20 турдаги конфет, 20 турдаги печеньелар, лимонли, апельсинли, мевали ва ёнгокли, шириндан-ширин 10 хил вафлилар ва нон махсулотлари учун хамиртурушлар хамда «Лаззат» деб номланган тортлар пул ўтказиш йўли билан ёки накд пулга таклиф этилади.

Юкори сифатли ушбу махсулотларнинг пархиари бозордалидан анча арзонь Шунингдек, 2002 йил охиригача қандолат ва

MEDICOMETED TYSKIM DECOM SUMOWED

хамириуруш махауловлари өвлагиб бариш учун

«Лаззат» кўчаси, 1-«А» уй, «АПКО ЛАЗЗАТ» қандолат ишлаб

Фар *F* она «боржоми»

Кавказнинг дунёга машхур "Боржоми" маъданли сувлари таърифини эшитгансиз. Ошкозоничак йўллари, буйрак, ўт пуфаги хасталикларини даволашда қўл келадиган бу сувнинг пештахталарда кўринмай қолганлигига кўп бўлган. Авваллик матлуботчилар Грузиядаги мутахассислар билан хамкорликда мазкур маъданли сувни ишлаб чикаришни йўлга қўйишди.


Хозирча бундай шифобахш сув факаттина Фарғона шахри ва тумани савдо шохобчаларига чикарилаёттан бўлса, якин ойлар ичида қушни туманлару вилоятлар дўконлари пештахталаридан хам ўрин олиши кутилмокда.



АМАЛИЙ ПСИХОЛОГЛАР ТАЙЁРЛАШ ФАКУЛЬТЕТИ

ПУЛЛИК ШАРТНОМА АСОСИДА

ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА ТИНГЛОВЧИЛАРНИЎ ҚИШГА ҚАБУЛІКИЛАДИЕ



- хукуқ-тартибот сохаси амалий психологи;
- тиббиёт сохаси амалий психологи;
- ишлаб чиқариш сохаси амалий психологи; халқ таълими тизими амалий психологи;
- оила амалий психологи: психолог-профориентатор.

Факультетда таълим юридик шахслар (ишлаб чикариш корхонаси, идора, корпорация, акциядорлик жамоаси ва хоказо)

буюртмаси асосида уч томонлама ёки жисмоний шахслар билан икки

томонлама тузилган пуллик шартнома асосида амалга оширилади

(тўлов микдори ва тартиблари шартномада кўрсатилади). Ўкиш ишлаб чикаришдан ажралган ва ажралмаган холда ташкил этилади.

Факультетда ўкиш истагини билдирганлар қабул комиссиясига қуйидағи хужжатларни топширадилар:

- олий маълумот тўгрисидаги дипломнинг
- кўчирмаси ва унинг иловаси; мехнат дафтарчасидан кўчирма;
- шахсий варақа;
- 4 дона фотосурат (3х4 см.); 086 шаклдаги тиббий маълумотнома.

Укиш муддати кундузги бўлимда — 9 ой, сиртки бўлимда — 15 ой

Тингловчилар ётокхона билан таъминланадилар Таълим якунида амалий психолог дипломи берилади:

Хумсжатлар 2002 йил 25 августдан 20 сентябргана қабул қилинади.

Укиш 2002 йил 1 октябрдан бошланади.

Манзилимиз: 700070, Тошкент ш., Яккасарой тумани, Глинка к., 3-уй (мўлжал: Бобур боғи), маъмурий бино, 2-қават, 14-хона.

Телефон: (3712) 55-49-31.

"СП СовпластИтал" за годы Независимости" 19!08!02 ₽22!08!02

На выставке будут представлены изделия, выпускаемые СП "Совпластитал" и его дочерними предприятиями. Таюке в рамках выставки будут осуществляться сделки по поставке на 2003 год изделий хозобихода из пластмасс, высокохудожественных изделий из фарфора, изделий из цветного стекла, бытовой керамики, садовой мебели, разовой посуды, искусственных цветов и деревьев, изделий новогоднего ассортимента, а также сделки на поставку совершенно новых изделий, выпуск которых начнется в конце 2002 и І квартале 2003 года. Выставка проводится в Центральном выставочном зале

Союза художников Узбекистана с 19 по 22 августа 2002 года, по адресу: ул. Шарафа Рашидова, 40. Время работы выставки — с 10.00 до 18.00.



Мустақилликнинг 11 йиллиги арафасида Республика телевидениеси 1-канали орқали икки қисмли «Тарих хукм чикаради» телефильми намойиш этилди. Икки оқшом телеэкранларга боқиб, мамлакат халқи 15-20 йил олдинги хаётга, қатағон қиличидан қон томган қора кунларга назар ташлади. Уша замондаги миллат фожиасини қалб дунёсидан ўтказди.

Асар 80-йилларнинг бошидан, яъни Узбекистон собик СССРнинг барча жабхаларида машъал бўлиб турган, қишлоқ хўжалиги, саноат, маданият, адабиёт ва санъат сохасида Иттифокда етакчи-

давр Иттифок ва республика рахбарлари кўзига бало-қазодай кўринган, ўз халқи химоясига отланган фидойи рахбар - Ислом Каримов эди.

Тарих ва миллат такдири 3 йил орасида бу жасотон Қахрамони Абдулла

«Съездда бир гал собиқ СССР Бош вазири Николай Рижков ва республикамиз рахбари Ислом Каримов ўрталарига тушиб колдим. Ислом ака Рижковга:

Mycmakuaauk kadpu

лардан саналган республиканинг бир думалаб «кўзбўямачи», «қўшиб ёзувчи», «порахўр», «мафиянинг уяси» бўлиб қолишини намойиш этишдан бошланади.

Даставвал, 1- ва 2-Сталин қатағони - ўзбек халқининг бирин-кетин XX аср фожиаларига дучор этилиши ва бу мусибатлардан курашлар ичра қутилиб чиқиш жараёни лавхалари берилади. Вассал мамлакатда Усмон Юсупов, Шароф Рашидов рахбарлик қилган босқичлар тасвиридан кўринишлар берилиб, халқ бошига 3-қатағон қиличи ярақлаган 80-йиллар, И. Усмонхужаев ва Р. Нишоновлар рахбарлиги давридаги фожиалар мохияти очила борали.

«Десантчилар» Гдлян, Иванов катагон машинаси ҳўлу қуруқни баравар ямлаб, ўз домига тортаётган даврдаги ижтимоий-сиёсий ахвол, халк бошига тушган хўрлик, хақорат, тухмат ва булардан келиб чиқаётган салбий асоратлар бирма-бир ёритилиб боради.

Мана шу оғир, мураккаб боскичда республика ижтимоий-сиёсий хаётила бир чеккадан – Қашқадарё вилоятидан унинг рахбари ёз кунидаги момогулдиракдек сиёсат осмонида чақмоқ бўлиб чақнай бошлади. Қатағонға қарши курашда олдин Тошкент, кейин асосан Москва билан жангта киришиб, ёлгиз чавандоздай «оқимга қарши» суза бошлади. Бу ўша

ратли, довюрак етакчини катта сиёсат сахнасига олиб чикди. Бир вилоят халкини химоя килиб, Москвага гапини ўтказиб турган рахбар, тарих такозоси билан Узбекистон Республикасига бош бўлиб қолди. Миллат халоскори, истиклол йўлбошчиси ана шундай рўёбга чиқди...

Экранда 90-йилларнинг илк йиллари тасви-

Телефильм

ри. Турли партия ва ҳаракатлар халкнинг бошини айлантириб, диний-экстремистик йўллар билан мамлакатда ислом халифалигини ўрнатишга даъват этаётирлар. Оломон чайқалиб турибди. Минбарда Ислом Каримов, ёлгиз ўзи, хамрохсиз пайдо бўлади. Қатъиятию, халқ тақдири учун жонини фидо қилишга тайёрлиги кадрдаги вазият ва саъй-харакатидан кўриниб турибди..

. Советларнинг сўнгги йиллари. Горбачёв сиёсати тумандай тарқаб битмокда. Машхур съездлар давом этаяпти. Хар бир халқ ўз ҳақини талаб қилаяпти. Узбекларнинг Палаталаги вакиллари хам қатағонни тўхтатиш, нохак жазоланганларни озод килиш, айбдорларни жазолаш талабини қуйишади. Бирок тоталитар тузум, кизил империя хали ўз кучида, жони узилмаган - ўзбекка озодлик беришни хаёлига хам келтирмайди.

Телеэкранда Ўзбекис-

- Казилма бойликларимизни шунча талон-торож қилганларинг етар, энди буёгига ўзимиз эгалик қиламиз, - деди.

Рижков: - Ишлаб чиқариш технологиясини олиб куйсам, кандай казиб чикарасан?

Белкурак билан бўлса хам қазиб оламан! жавоб қилди, Ислом

- Белкурагингни ҳам тортиб олсам-чи? - ўдағайлади Николай вазир.

- Унда мана шу қўлларим, тирноқларим билан қазиб оламан! - деди қатъият билан Ислом Каримов унга жавобан.

Рижковнинг ранги бўзарди, ўрнидан туриб

... Ислом Каримовни Аллои таоло мамлакатимиз бошига қаро кунлар тушиб турган энг оғир, мураккаб даврда хокимият тепасига чикарди. Жафокаш халқнинг Яратганга илтижолари мустажоб

«Тарих хукм чиқаради» хужжатли фильми мустақиллик байрамининг 11 йиллиги олдидан истиклол йўли - жафокаш ўзбек халқининг босиб ўтган яқин тарихий такдири хакида холис, одил, оммабоп усулда хикоя килиши билан долзарб асардир. Фильм рус тилига (имкон бўлса, инглиз тилига хам) таржима қилинса, унинг ижтимоийсиёсий ахамияти, самараси янала ортали.

Махмуд САТТОРОВ.



Абдугани ЖУМА сурат-лавхаси.

Қўлёзмаларни варақлаганда...

Қадимий Шахрисабз заминидан кўплаб буюк зотлар алломалар, мутафаккирлар, давлат арбоблари, азиз авлиёлар етишиб чиққан. Мана шундай улуғ сиймолар силсиласида қадимий Кешда таваллуд топган соҳибқирон Амир Темур хазратлари алохида ўрин эгаллайди. Истиклолимиз шарофати билан Амир Темур хаёти ва фаолияти хам илмий асосда чукур ўрганилаётир. У хакда китоблар, асарлар нашр этилаётир. Лекин бу йўналишда келажакда қилинадиган ишлар ҳали бисёр. Шу нуқтаи назардан ёзма манбаларнинг роли айниқса беқиёс. Қуйида берилаётган маколада Амир Темур ва темурийларга багишланган араб тилидаги манбалар хакида гап боради.

Байрамлар қувончи kýkcum ëpadu «Ўзбекистоннинг пахта ва чорвасидан бошқа нимаси бор? Ун йилга етмай яна эмаклаб келишади», дейишган экан собик «хомий»ларимиз...

Етмиш томиримда сурон уйгонди, Кипригимга қадар бўрон уйгонди, Етмиш йил ухлаган Турон уйгонди:

Хоразмий бўлмаса санармидингиз, Хам пахта, хам олтин карвонларимни. Ойнинг гардишига қўнармидингиз, Беруний бермаса нарвонларимни.

Эмаклаган халқми, менинг ўзбегим?

Сарбадор аталдик, тирилдик, ўлдик. Отилдик, осилдик, букилмадик лек. Оч бўлдик, тўқ бўлдик, қаноат қилдик, Бировнинг нонига тикилмадик лек.

Харки халқнинг иши ўзига ўхшар, Минорларим минг йил тик турар тағин. Нохақ даъволардан қирқ жоним қақшар, Эмаклаган халқми, ўзбегим маним?

Эмакласа Чўлпон отилмас эди, Усмонни дарахтга богламасдилар. Эмакласа Фитрат осилмас эди, Кодирий куксини догламасдилар.

Ерларимнинг, қирларимнинг чеки йўқ, Яримман, бутунман, ўзимга тўқман. Кўксимни минг жойдан тешса хамки ўк, Узимга магрурман, ўзимга бекман.

Гуруримнинг бўйин ўлчаб боради, Утган йилларимнинг хар бир кадами, Байрамлар кувончи кўксим ёради, Мен энди эрки бор юртнинг одами.

Хаққа элтар йўлга олганмиз тушиб, Карвонимиз ўтар, жиминг, дам бўлинг, Бу йўлда борганча борсак борармиз, Эмаклаб бормасмиз, хотиржам бўлинг!

Хосият БОБОМУРОДОВА.

пайгамбаримиз алайхиссаломнинг сахийх (ишончли) хадисларини ўзида мужассам қилган машхур асарига оид шархи улуг ватанлошимизнинг муборак асарларига бағишлаб ёзилган юзлаб шархлар ичида энг яхшиси хисобланади. 25 йил давомида битилган бу қимматли шарҳ ёзиб тугатилгач, унинг довруги бутун мусулмон оламига тар-қалди. Кўплаб подшоху султонлар уни ўз саройларидаги кутубхоналар учун харид килиб келтирганлар. Уша пайотаси Султон Барқуқнинг Дамашкдаги ноибларидан бири тон Барқуқ Ибн Тагрибердининг аммаси Ширинга уйланган бўлиб, у Миср Султони ан-Носир Фаражнинг онаси эди. Мана шу холатларга кўра Ибн Тагриберди, гарчанд бўлиб ўтган воқеаларга бевосита замондош бўлмаса хам, лекин бошқа муаррихларга на-

кўра бу зиёрат амалга ошмай қолган... Шунингдек, асарда ўша даврда Миср жамиятида юз берган парокандалик, ички зиддиятлар, хокимият учун курашлар, Миср хокимларининг ношудлиги хакида хам муфассал баён қилинган. Магриблик машхур муар

рих ва файласуф Абу Зайд Аб-дурахмон ибн Халдун ёшлигидан илм-маърифатга мехр куйган. Унинг аксар умри тинимсиз сафарларда ўтди. Ни-ҳоят, 1382 йилда Мисрга келиб, султон аз-Зохир Баркукнинг саройига хизматга кирди. Сўнг ёш Султон Фараж хизматида бўлди. Ибн Халдун тарих илмидаги чукур билими ва дахоси туфайли Сохибқироннинг алохида хурматига сазовор бўлган. Улар ўртасида бўлиб ўтган марокли ва самимий сухбатлар тафсилоти тарих китобларида кенг куламда хикоя килинади. «Ибн Халдун билан танишиш ва унинг **F**арбу Шарққа саё-ҳати» номли биографик асарида муаллиф ўзининг Амир Темур билан учрашуви хусусида жонли тарзда хикоя қилади. Бу асар 1951 йилда Қохирада нашр этилган. Ундан сараланган маълумотлар кенг кўламли илмий изохлар билан Вальтер Фишел томонидан инглиз тилига ўгирилиб. «Ибн Халдун ва Темур» номи билан 1952 йилда Калифорнияда чоп этилган. Мана шу рисола кейинчалик (йили курсатилмаган) олим Мухам мад Тавфийқ томонидан араб тилига хам таржима қилиниб, Байрутдаги «Дор ал-ҳаёт» мат-

баасида нашр этилган. Хулоса килиб, гапнинг индаллосини айтадиган булсак, буюк давлат арбоби, илм-фан ва маданиятнинг йирик хомийси, мохир саркарда ва лашкарбоши Амир Темур хазратларининг ёркин хаёти ва жўшқин фаолияти XV аср араб муаррихларининг назаридан четла колмай, улар асарларида хам муносиб тарзда ўз ифодасини топган. Бинобарин, Амир Темур ва унинг даврини бекаму кўст, тўлиқ тасав-вур қилиш учун барча ёзма ёдгорликлар қатори юқорида зикр этилган араб манбалари хам илмий асосда чукур ўрганилиши максадга мувофик-

> **Убайдулла УВАТОВ**. филология фанлари номзоди.

Сохибкирон араб муаррихлари нигохида

Диёримизнинг бой ва кўхна тарихи, жумладан, сокухна тарили, му хибкирон Амир Темур ва унинг авлодлари – темурийлар даври ҳақида йирик асарлар яратган академик В. Бартольл «Темур ва темурийлар даври тадкикотчиси материалларнинг танкислигидан эмас. KVTVDXOH тарқалиб кетган, танқидий ёндошиш, энг аввало, танкидий нашр этишни тақозо этаматериалларнинг кўплигидан қийинчиликка дуч келади», деб таъкидлаган эди. Дарҳақиқат, ўша даврда яратилган асарларнинг деярли хаммаси бизгача етиб келган бўлиб, улар илм аҳллари ва тадқиқотчиларимиз томонидан ҳар томонлама ўрганилиб, кенг жамоатчилик хукмига хавола қилинаётир. Бу хайрли ишда ёзма манбаларнинг роли беқиёс бўлиб, айниқса, XV аср араб манбалари мухим ахамиятта моликдир. Уларда Амир Темурнинг шахси, унинг юришлари, айникса араб мамлакатлари ва Туркия билан бўлган муносабатларига доир куп қимматли маълумотлар келтирилиб, уларнинг деярли хаммаси ўша даврда яшаган муаррихлар, аксар холларда булган вокеаларнинг шохидлари томонидан ёзилганлиги

этади. Ушбу маколада мана шу арабий манбалар ва уларнинг муаллифлари хакида кисқача маълумот беришни ло-

Ибн Хажар ал-Асқалоний номи билан машхур ал-Хофиз Аҳмад ибн Али 1372 йилда Кохирада тугилган. У 21 йил лавозимини эгаллаган. Унинг «Инба ал-гумр би абно-улхакида гўр кишиларга дастак») асарида муаллиф яшаган давр вокеалари хикоя килинали. Бинобарин, Амир Темурга оид кўп хабарлар хам мавжуд «Саккиз юзинчи (хижрий) йил арбоблари хакида яширилган дурлар» номли бошқа бир асарида Амир Темур хакида талай маълумотлар келтириб, жумладан бир ўринда: «Амир Темурга чиройли овоз ёқарди, у ўз қиссахонларига кечаю кундуз муттасил равишда тарихий ва диний китобларни ўқитиб эшитарди»,

деб ёзади. Мавриди келганда яна шуни айтиш керакки, Ибн Хажар ал-Асқалоний ўз ижодий фаолиятида тарихий асарлар билан бирга диниймаърифий мазмунда хам асарлар яратган. Жумладан, унинг диёримиздан чиққан буюк мухаддис Имом ал-Бухорийнинг «Сахийх ал-Бухорий» номли

Шохрух Мирзо хам Қохирага ўз уламоларини жўнатиб, Ибн Хажар ал-Асқалонийнинг хани ўз кутубхонаси учун кел-

Қомусий тарихнавис олим Тақийуддин Аҳмад ибн Али маърифат дувал ал-мулук» («Улуг подшохлар давлатларини билишда етук қулланма») деб аталадиган, XV аср тарихи учун мухим ахамиятта молик турт қисм – ўн икки жилд-дан иборат йирик асари Мисрда аюбийлар давридан — 1169 йилдан бошлаб то 1440 йилгача бўлган вокеаларни камраб олган. Асарда Миср султонлари билан Амир Темур орасидаги муносабатлар, улар ўртасидаги элчилар борди-келдиси, мактублар алмашувлари ҳақида аниқ маълумотлар келтирилган. Қохирада чоп этилган бу йирик асарнинг охирги - туртинчи кисми, айникса, Амир Темур асос солган буюк давлатнинг хорижий мамлакатлар билан алокаларини ўрганишда мухим ахами-

Амир Темур даврига оид кимматли маълумотлар келтирган Миср тарихчиси Жамолуддин Абу-л-Махосин Юсуф ибн Тагрибердининг

ддан иборат асарининг биз учун мухим ахамиятга эга маълумотлари ўн иккинчи жилдда келтирилган. 1963 йилда Кохирада чоп этилган бу асарда вокеалар асосан йилма-йил келтирилган булиб, куп холларда оригинал характерга эга. Масалан, 1394 йилда Миср хокими Султон Барқуқ Суриянинг маркази Дамашққа ташриф буюриб, Тухтамишнинг Дашти Қипчокдан келган элчилари ва турк Султони Боязиднинг элчилари билан мажлис куриб, Амир Темурга қарши биргалашиб курашиш учун иттифок тузганлигини таъкидлай-Ибн Тагриберди ўз асарида келтирган яна бир хабар хам ўзига хос ахамиятга молик. Гап шундаки, тарихчининг ёзишича, чамаси 1404 йили Амир Темур хазратлари Маккаи Мукаррамага хаж ибодатини адо этишга боришни ихтиёр этган, чунончи, унинг келиши ҳақидаги ҳабар Мак-када тарқалған. Муқаддас шахар амири Турон мамлакатининг сохибини муносиб кутиб олишга хозирлик курган Лекин кандайдир сабабларга

сиб этмаган кўп маълумотлар

унга муяссар бўлган. Шу бо-

исдан ҳам унинг ўн олти жил-



учун хам алохида ахамият касб

Узбекистоннинг Мустакиллик кунини муносиб нишонлаш максадида

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШКИ ИКТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

«Сўм карточкаси» омонати бўйича анъанавий совринли ўйин ўтказади.

Сиз 10.000 сўмдан 500.000 сўмгача бўлган ютук сохиби бўлишингиз мумкин. Бундай ноёб имкониятни қулдан чиқарманг.

Тиражда 2002 йил 1 сентябрга қадар очилган барча сўм карточкалари иштирок этади.

ўйин 2002 йил 10 сентябрда ўтказилади. Тираж натижаларини ўзмиллийбанкнинг барча муассасаларидан билиб олишингиз мумкин.

Супермаркетлар, дўконлар, ресторанлар, маиший хизмат корхоналари, уяли алоқа корхоналари, ёнилғи қуйиш шохобчаларида Ўзмиллийбанк сўм карточкаси ёрдамида товарлар харид қилганингизда ва хизматлар ҳақини тулаганингизда кулайликни хис этасиз



Сўм карточкаларини Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг барча бўлим ва филиалларидан бепул олишингиз мумкин. Алока учун телефонлар: 137-62-80, 137-62-83. www.nbu.com

Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси

Ташкилот ва корхоналар диккатига!

Пудрат савдоларини ташкил этиш (тендер) буйича республика бошкармаси

куйидали иншоотла танлов савдолари (тендер) улказилишини маълум килади: Наманган вилоятидаги «Кизил-Равот» сув кутаргичининг кувватини ошириш. Курилиш муддати — 365 кун.

Буюртмачи: Наманган шахри, Ибрат кўчаси, 33-уйда жойлашган Наманган вилоят жамоалараро кенгаши. Телефон: 6-45-04.

Курилиш ишлари давлат инвестиция маблаглари хисобидан молиялаштирилади Ташкилот ва корхоналар етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятлар ва материаллар захирасига, ишчи кучи ресурсларига,шартнома тузишга лаёкатли юридик хукукка эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдога қатнашиш ва тендер хужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — пудрат савдоларини ташкил этиш (тендерлар) бўйича республика бошқармасининг Наманган вилоят филиалига қуйидаги манзилга:

Наманган шахри, А.Навоий кўчаси, 36-уй (Матбуот уйи, 4-қават) иш кунлари соат 10.00дан 17.00гача мурожаат қилиш мумкин. Телефон/факс: (8-36922) 6-14-50, 6-47-91. Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юкоридаги манзилда қабул килинади.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига такдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати. Таклифлар очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин куйидаги манзилда ўтказилади: Наманган шахри, А.Навоий кўчаси, 36-уй (Матбуот уйи, 3-кават).

БАРЧА СОГЛИКНИ САКЛАШ ХОДИМЛАРИ ДИККАТИГА!

Навкиронлик, саломатлик ва узок умр кўриш шарбати — "НАРИНЕ" лактобациллус ацидофилус — Ўзбекистонга хам етиб келди

— табиий, экологик тоза шифобахш-профилактик бактериал доривор. У шифобахш гиёхлардан олиниб, биологик фаол суюклик хисобланади. Унинг шифобахш-профилактик хусусияти куп йиллик клиник синовлардан утган, бактериал дори воситаси сифатида бирон екимсиз таъсир курсатувчи жихати йук.

"Нарине" организмда модда алмашинуви жараёнини бошқаради, патоген микроорганизмларга таъсир курсатади, замбуруғ касалликларига қарши курашиш хусусиятига эга, дизентерия, дисбактериоз, диарея, сальмонеллёз, стафилококк инфекцияси, ошқозон ва ўникки бармокли ичак яралари, йўгон ичак яллигланиши, ошқозон яллигланиши, ич терлама, ич котиши каби ошқозон-ичак хасталикларини даволаш ва олдини олишда самарали қулланилади. "Нарине" бактериал ошқозон-ичак хасталикларини даволаш ва олдини олишда самарали қулланилади. "Нарине" бактериал дориси аллергия, қанд касаллиги, гепатит, онкологик, ларингологик, проктологик, урологик, йиринглашшамоллаш касалликларини хам даволаш ва уларнинг олдини олишда қулланилади. Гинекологик касалликларда "Нарине" пурковчи дори ва тампон қуйиш воситаси сифатида ишлатилади. "Нарине" жаррохликдан кейинги яра ва куйган жойларга суртма дори тарзида зарур. Антибиотик даволанишда юрган, нур ва химиявий терапия қабул қилаётган беморларга эса у дисбактериоздан халос булиш учун асқотади. "Нарине" дориси янги туғилган, айникса, чала туғилган, заиф чақалоқлар гипотрофияга, рахитга йулиқиб қолмасликлари учун, шунингдек, оналаридан салбий резус-фактор ёки қонида гемоглобин етишмовчилиги билан туғилган болаларнинг саломатлигини ўрнига келтириш мақсадида хам ишлатилади. "Нарине" умуман. барча одамларга касалликнинг олдини олувчи восита сифатила тавсия этипали

оилан тугилган оолаларнинг саломатлигини урнига келтириш мақсадида ҳам ишлатилади.
"Нарине", умуман, барча одамларга касалликнинг олдини олувчи восита сифатида тавсия этилади.
Чунки унинг таркибида дармондорилар, аминокислоталар, енгил ҳазм бўладиган оқсиллар мавжуд. Ушбу бактериал препаратнинг бир миллиграмми таркибида 20 миллиардга яқин лактобациллус, ацидофилус сингари инсон организми учун зарур жонли тўқималар яшайди. Бу эса худди шунга ўхшаш дориларда мавжуд жонли тўқималардан бир неча ўн баробар купдир.

мавжуд жонли тукималардан оир неча ун оарооар купдир.

Бу препаратнинг антикалиги шундаки, унинг таркибидаги лактобациллус, ацидофилус бактериялари ошкозоннинг энг касал жойларигача синггиб, ўзининг шифобахшлик хусусиятини икки хафтагача саклайди. Унга турдош бўлган бошка бактерияларнинг таъсир кучи эса атиги 3-4 соатдан ошмайди. "Нарине"ни бошка турли хил антибактериал воситалар билан биргаликда истеъмол килиш мумкин. Чунки лактобациллус, ацидофилус бактериялари уларга бардошлидир, бошка бактериялар антибистикларга ўта сезгир ва улар шу боисдан кутилган натижани бермайди. Яна бир хосияти шуки, ушбу бактериал дориворни шифокор рухсатномасисиз хам истеъмол килиш мумкин. Демак, унинг воситасида даволанишни зинкор пайсалга солмант. "Нарине" лан катталарга хуштаьм таомлар тайёрлашла аралашма сифатила

дориворни шифокор рухсатномасисиз хам истеъмол килиш мумкин. Демак, унинг воситасида даволанишни зинхор пайсалга солманг. "Нарине"дан катталарга хуштаъм таомлар тайёрлашда аралашма сифатида, энди тугилган чакалокларга эса она сути ўрнида фойдаланса хам бўлади. "Нарине"ни синовдан ўтказган япон олимлари унинг организм каршилик кўрсата олиш кучини ошириш хусусиятини, саратон касаллигига карши кураша оладиган альфа ва гаммаинтерферон тўкималарининг омухталашувини кучайтирувчи юксак сифатли иммунли модуляторлик кобилиятини илмий тасдикладилар. Ушбу бактериал дори билан Чернобиль АЭСи халокатида зарар кўрганлар таъминланмокда, чунки "Нарине" ланиш окибатида содир буладиган дисбактериоз касаллигини анча енгиллаштиради.

Хозирги кунда "Нарине" АҚШ, Япония, Голландия, Канада, барча МДХ давлатларида тайёрланиб, тиббиетда кенг құлланилмоқда. тиббиетда кенг қулланилмоқда.

Узбекистонда ушбу препаратни "Арм Саломат" қушма корхонаси ва "Узсутсаноат" давлат уюшмаси биргаликда, "Узбиофарм" акциядорлик жамияти билан ҳамкорликда тайёрлаб чиқармоқдалар.

"Нарине" дориси Узбекистонда сертификатлашған, уни Санитария, гигиена ва касб касалликлари шлмий-текшириш институти, бошқа бир қатор клиникалар ва илмий-тадқиқот институтлари синовдан утказишди. Препарат республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги Давлат эпидемиология назорати департаменти томонидан руйхатга олинган ва фойдаланишга тавсия этилган.

Маълумот учун телефон: 34-40-04.

Тил қадри – эл қадри

Тилимиз Қадрини kymapaŭauk!

71 авлат тили хакидаги д қонун қабул қилинганига ҳам 13 йил тўлаяпти. Истиклол шарофати билан она тилимиз равнақ топмоқда, шўролар даврида йўқотган мавкеини кайта тиклаб, жамиятимиз ҳаётининг барча жабҳаларида тўла амал қилмоқда. Бу

мамлакатимиз ҳаётидаги энг нурли, энг мухим ўзгаришлардан бири. Зеро, Президентимиз айтганларидек, она тили - миллатнинг рухидир. Тил хар бир миллат учун энг асосий белги, омил хисобланали. Она тилимиз алохида қонун ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси орқали давлат макомини олган. Эндиликда унинг ривожланиши, қадрланиши учун кенг имкониятлар яратилган. Бинобарин, она тилимиз - ўзбек тилининг мавкеини янала кўтариш, бунинг учун тилимиз софлигини сақлаш, унинг қонун-қоидалариға тўла амал

қилиш, сўз-ибораларнинг тўгри талаффуз қилиниши ва тўгри ёзилишига эришиш, қабул қилинган умумадабий тил нормаларига риоя этиш мухим вазифамиздир. Чунки тилга нисбатан лоқайдлик, унинг умумэътироф этилган коидаларига беписандлик билан қараш тил қадрини туширади.

Мен тилимиз қадрини кўтаришга, унинг нуфузини янада оширишга тўсиқ бўлаётган айрим масалаларга эътиборни қаратмоқчиман.

Энг аввало, имло ва талаффуз масаласи. Хар бир тилнинг ўз имло ва талаффуз қоидалари, грамматикаси бўлади. Бу қоидалардан бири сўзларнинг тўгри ёзилишини таъминласа, иккинчиси, тўгри айтилиши, яъни тўгри талаффуз этилишини, грамматика эса ёзма нутк, матн саводхонлилигини таъминлайди. Бу қоидалар адабий тилимизнинг энг мухим бегиларидан бўлиб,

ёзма ва огзаки нуткни меъёрлаштириб туради. Шунинг учун она тилимиз коидаларига, адабий тил меъёрларига қатьий амал қилишимиз за-

Қолаверса, хизмат тақозо-

си билан борилган айрим идораларда, корхоналарда ёзишмалар билан танишишга тўгри келади. Кўрасизки, ёзишмалар компьютерда чиройли килиб битилган. Бирок уларда кўпинча ўзбек тилидаги «ў», «қ», «ғ», «ҳ» ҳарфлари бўлмайди. Сўрасангиз, компьютерда бу ҳарфлар йўқ дейишади. Бу хам тилга бўлган хурматсизлик. Чунки компьютерлар учун аллақачон ишланган ўзбекча дастур хамма жойда бор ва ярим соат ичида бу дастурларни компьютерга жойлаштириш мумкин. 4 та ҳарфсиз бажарилган ёзишмаларни ўкисангиз, тепа сочингиз тикка булади. Идора бошлиғига айтасиз, у «Э, шу оддий

масалани ҳам бажармабди-да», деб ходимларни койиган бўлади. Вахоланки, бошликнинг ўзи ана шундай чаласавод ёзилган хатларнинг қанчасига имзо чеккан!

Маълумки, атамаларни тўгри ишлатиш бўйича Атамакум тавсиялари дастлаб Вазирлар Махкамасининг Давлат тилини жорий этиш комиссияси томонидан, 1996 йилдан Олий Мажлиснинг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари кумитаси томонидан тасдиқланиб, амалиётга жорий этилган. Улар газеталарда ҳам берилган, китобча холида чикарилган. Бирок, хамон аэропортни «тайёрагох», институтни «олийгох», журнални «ойнома», газетани «рўзнома» дегувчилар ондасонда учраб туради. Бу хам тилимиз нормаларига риоя этмасликнинг бир кўриниши.

Она тилимиз нормаларидан четга чикиш унинг кадрига путур етказади. Шунинг учун она тилимизни қўллаш, уни ўқиш ва ўқитишда йўл қўйиладиган камчиликларга қатьий бархам беришимиз керак.

Хабибулла БЕКТЕМИРОВ, Республика атамашунослик қўмитаси раисининг ўринбосари, филология фанлари номзоди.

Рассом хузурида

Рассом Умаржон Мансуров хакида анчадан буён ёзмокчи бўлиб юрардим. Сувга чиккан одам дарёга рўпара келганидай, мен хам рассом ижодини ўрганиш бахонасида тасвирий санъатимизнинг энг кизгин, энг мунозарали жихатларига дуч келдимки, уларга муносабат билдирмасдан туриб, рассом ижодига тўхталиш, мевали бог остонасидан кайтиб кетгандай гап.

Ранглар кучи emmaŭdu...

Умаржон ака. ёшингиз 55 да бўлса, табиийки, унинг куп кисми шуро даврида ўтган. Уша пайтлардаги ижод жараёни билан хозиргиси орасидаги тафовут хусусида нима

дея оласиз? - Мен инсон ҳаётини нима учундир дарахтга ўхшатаман. Нихоллик даврини ёшликка, хосилдорлик пайтини ўрта ёшга, серсоя шохлари буталаб кетган палласини айни кексаликка менгзайман. Айни ижодий хосилдорлик пайтимда истиклол шамолини туйдим, илдиз-илдизларимга қадар уни сипкоришга тиришдим.

1985 йил эди. Таниқли ҳамкасбларимдан бирининг кўргазмаси тўхтатилиб, «гоявий савияси қайта кўриб чиқилсин», деган буйруқ олинибди. Суриштирсам, рассомнинг «Она» деб номланган асаридаги бешик тасвири кимгадир ёкмабди. «Эскилик сарқити», дея дуппи, қийиқ, чопон, сўзана, бешик кўринишлари тасвирий санъатда таъқиқланди. Бир хил йўналиш, бир хил қолип ва шаклдаги асарларни талаб қилишарди. Истиклол даври тасвирий санъатининг энг мухим йўналиши эса — ижодий эркинлик. Ижодкор ўз табиати, иктидори, имкониятидан

келиб чикиб иш килали. У. Мансуров ранг билан ишлайдиган рассом. У хаётий тимсолларни факат ранглар орқали куради. Рассом ишлаган суратларни кузатсангиз, аввалига хилма-хил ранглар коришмасидан бошка хеч нарсани курмагандай буласиз. Бир неча сонияда дархол максадни англайсиз. Масалан, «Сумалак» картинаси. Юзга яқин ранглар, гуллар, кўкатлар, қизлар тимсолларида айлана фонида уйгунлашиб кетган. Агар диққат билан кузатиб тураверсангиз, ажиб бир майин оханг ранглар орқали ётгандай бўлади. Ёки «Дурдона» асарини олайлик. Мовий фонда сигир-бузогини етаклаётган дуррачали аёлнинг ўзи хам хомиладор. Хаёт давомийлиги, унинг мангу

мехр-мухаббат рангларини хам илгагандай бўласиз. Демак, Умаржон Мансуров шоирона-романтик йўналишдаги бадиий тасвир устаси. Узбек тасвирий санъатидаги етакчи йўналиш — реалистик услубда хам унинг баъзи ишларини қайд этиш мумкин. Аммо ижодкорнинг бош йўналиши романтик рангтасвир услубига қаратилган.

қонун-қоидалари ўзига хос мо-

вий, яшил, настарин сингари

ёркин рангларда тасвирланган-

ки, уларга қоришиб, беихтиёр

Сиз бугунги тасвирий санъатда намоён булаётган янги йўналиш — асосий гояни маълум деталлар орқали, предметлар йигиндисидек жамлаб намоён этаётган инсталяция сингари услубларга қандай карайсиз?



янгича кўринишларга фақат ижобий қарайман. Инсталяция, перфоманс сингари янгича услубий йўналишлар Европада ўтган асрнинг 80йилларида шаклланган. Хатто 70-йилларнинг охирларида бош реалистик рангтасвир услубининг бизга кераги йўқ, дея бутунлай янги услубларга ўтиб кетишган пайтлар ҳам бўлган, лекин кўп ўтмасдан яна рангтасвир услубига қай-

- Ўзи санъат тараққиётида шу сингари кўтарилиб тушувчи тўлкинлар бўлади, - дейди санъатшунослик фанлари доктори, профессор Акбар - Утган асрда авангард деб номланган йўналишдаги ижодкорлар рассом нуқул янгича услубда ишлаши лозим дейишса, уларга қарши ўларок трансавангардчилар рассом истаган услубда хам реалистик, хам абстракт, хам янги услубда эркин ишлайверсин деган қарашға эргашдилар. Лекин ҳақиқатни вақт деган хакам одилона тарозисидан ўтказди, ким қандай услубни маъкул кўрса, ўшанга таянмокда бугун ижодкор. Бизда бош реалистик услуб хамиша етакчилик қилиб келган. Романтик хамда абстракт йўналишлар унга хамоханг тарзда ривожланади. Икки йилда бир маротаба пойтахтда «BIENNALE» халқаро тасвирий санъат, ҳайкалтарошлик кўргазмаси бўлиб ўтади. Шу кўргазмада ўтган йил ёш истеъдодли рассом Жамол Усмонов «Орол» деб номланган инсталяция композициясини намойиш этди. У вокеани махорат, нафислик билан курсата олдики, бу жараён рассомнинг хам рангтасвир, хам янги услубларни баравар мувозанатда тутаётганидан далолатдир. Бу борадаги мулохазалари-

мизни санъатшунос хузуридан яна рассом устахонасига кўчирдик

- Умар ака, сизнинг асарларингизни кузатганимда, табиат, қишлоқ манзараларининг куплигини сездим. Демак, сиз асосан кишлоклардан илхом, кувват оласиз. Юртбошими: куп тухталадиган гап бор. «Кишлокликлар ҳам шаҳарликлардай яшашга ҳақлидирлар». Шу жихатдан олганда, сомларнинг кишлок хаётига кириб боришлари, шу орқали кишиларнинг маънавий-рухий дунёсига таъсир этишлари

жараёни секин кечмаяптими? Йўқ, аксинча, хозир Узбекистон Бадиий академияси тасарруфидаги таълим тизими республикамизнинг узок-узок кишлокларига калар кириб борган: Илгари улар факат пойтахт марказларида эли Санъат лицейлари, коллежлар вилоятларда ўша иклим, колоритдан келиб чиккан холда бўлимларга бўлиниб, иш юритишаяпти. Якинда Термизда Рўзи Чориев, Андижонда Йигитали Турсунназаровларнинг ижодий кўргазмалари ташкил этилди. сингари кўргазмаларнинг узок қишлоқларда ишлаб туриши балки камрокдир, чунки Бадиий академия фаолият юритаётганига эндигина беш йил бўлди. Шу йилнинг 26 август куни узоқ қишлоқларда яшаб ижод қилаётган, ёшлари 35 дан ошмаган рассомлар пойтахтга йигилиб, мустакиллигимизнинг 11 йиллигига бағишланған «НАВКИРОН ЎЗБЕКИСТОН» кўргазмасида ўз асарларини намойиш этадилар. Ха, хозирги қишлоқ, шахар ёшларининг хаммасида баравар ижод қилиш имконияти бор. Қанийди, менинг ёшлик йилларим хам шундай имкониятлар даврига рўпара келсайди! Нима қилган бўлардин-

гиз? - Энг иқтидорли ёшларни жамлаб, хусусий билим даргохи ташкил этардим-да, шогирдларимни дунё микёсига олиб чиқардим. Уша ерларда ўқитиб, тайёрлаб олиб қайтар-

- Лекин хақиқий истеъдод, тугилиб ўсган ерида илдиз отиб, мукаммаллашади, дейишади. Мана кўпгина таникли рассомларимиз чет элларда ойлаб, баъзан йиллаб яшашади. Бу уларнинг модлий имкониятларини бироз кўтариши мумкин, аммо тупрокдан узилиш ижодкорга, айникса хаётни нозик, теран илговчи рассомларга ижобий таъсир килолмайди.

Аслида профессор Акбар Хакимов хам шундай хисоблайди.

- Бизнинг бой меросимиз, азалий инсоний қадриятларимизнинг чукурлиги, шарқ фалсафаси устуворлиги бизнинг рассомларимизни турли йўналишларга тақлидан берилмаслик учун махкам ушлаб туради. Бу бир томондан яхши, лекин, мана масалан, кулолчилик сохасидаги халқаро симпозиумда қозоғистонлик, қирғизистонлик усталар ўзлари учун анъана бўлмаган соха — кулолчиликка оид янги композициялар билан чикишди. Кулолчиликдаги бу изланишлари уларни оклади. Бизнинг усталар Самарқанд гумбазлари, миниатюра кўринишларига, яъни бой анъананинг ўзигагина таяниб чиқишди. Бундай холатлар рангтасвир, хайкалтарошлик сохаларига хам хос хусусиятдир. Албатта, меросга эътибор бериш керак. Лекин шу билан бирга умумжахон микёсида рўй бераётган янги йўналишлардан шунчаки нусха олиш эмас, уларни бой меросимизнинг янгича талкинига хизмат кила оладиган даражада сингдириш керак. Биз юқорида мисол тарикасида кайд этганимиз -Жамол Усмонов сингари хам мумтоз, хам янги йўналишни уйгунлаштан холда ривожлантираётган ижодкорлар сони кўпайиши керак. - Бунинг учун нима зарур?

Бунинг учун атрофга озгина дадил қараш, изланиш зарур. Декабрь ойида Москвала мустакил давлатлар хамдўстлигининг халкаро кўргазмаси бўлиб ўтади. Гофир Кодиров, Акмал Нур, Жамол Усмонов, Шавкат Хакимов Файзулла Ахмадалиев, Нодир Имомов, Тохир Каримов сингари ўрта хамда ёш авлод вакиллари «Шарқ фалсафаси боги» номи остида ўз асарларини намойиш қилишади. Муқаррарки, бу сингари мулоқотлар уларни озгина бўлсада янги изланишларга бошлайди.

Табиат суратини чизишга ранглар кучи етмайди, деб хисоблаётган ижодкор, Камолиддин Бехзод номидаги миллий дизайн ва рассомлик институти рангтасвир кафедраси ўкитувчиси Умаржон Мансуров ўз маънавий дунёси орқали янги ранглар кашф этишига ишонамиз.

> Мамлакат нормуродова, «Халқ сўзи» мухбири.

Хабарингиз борми?

Андижон давлат университети профессорлари А. Нурмонов, С. Зайнобиддинов, М. Саидхонов, А. Собиров, Д. Куроновлар академик А. Хожиев рахбарлигида Америка хайрия ташкилоти - Сорос-фонди вакиллари (рахбар К. Кокрен) билан хамкорликда «Хозирги

лар: мударрис - мадраса ўкитувчиси, инжу - марварид, валиахд - тахт вориси, пича - озгина, оз. Агар сўз кўп маъноли бўлса, маънолар рақамлар билан ажратилган: оға -1. ака; қадрдон, туғишган акадай мехрибон, яқин; вахший - 1. йирткич, 2. ёввойи, маданиятсиз; 3.

Компьютер ёрдамида луғат

ўзбек тили фаол сўзларининг изохли лугати»ни туздилар. Лугатчилар компьютерлар ёрдамида хозирги ўзбек тилида ишлатиладиган икки миллионга якин сўзлар ичидан энг фаол ишлатиладиган ўн беш минг сўзни ажратиб олганлар. Бу сўзларга диккат килинса, улар рилган: ўзбек тилининг турли қатламларига оид бўлиб, кундалик ҳаётда кенг ишлатилади. Улар қариндошуруг номлари: она, ота, ака, сингил, ука; озиқ-овқат номлари: нон, чой, ош, лағмон, сомса; мева номлари: олма, узум, нок, бехи, шафтоли, анжир, олхури; ўсимлик номлари: пахта, беда, шоли, бугдой, арпа; спорт терминлари: теннис, каратэ, футбол, волейбол; кийим-кечак номлари: дўппи, қалпоқ, шим, кўйлак ва бошкалар. Луғатдаги сўзлар содда ва оддий изохланган. Тузувчилар изохланаётган сўз маъноларини тўлик очиб беришга ҳаракат қилган-

қонхўр, тажовузкор; ирода - 1. инсонда бўладиган қатъият, матонат. 2. ихтиёр, хохиш. Лугат тузувчилар сўз маъноларини аник кўрсатиш максадида қисқа, аммо мазмундор мисоллар берганлар. Масалан, хатар сўзига куйидаги халқ мақоли келти-«Хатардан қўрққан муродига етмас». «Темирчилик» сўзининг маъноси темирчилик унга ота касб мисоли орқали очиб берилган. «Тош-тарози» жуфт сўзи ҳар ернинг тош-тарозиси бўлади, мисоли билан изохланган. Луғатни кўздан кечириш кейинги йилларда ўзбек тилида ахборот ва бозор иктисодига оид атамалар фаоллашганлигини кўрсатади: факс, телетайп, денонсация, модель, экю, экстра, демпинг, экспресс, маркет, депозитор, лизинг, бизнес ва бошқа-

Мазкур лугат кенг жамоатчиликка мўлжалланган бўлгани учун ундан

турли соха мутахассислари фойдаланишлари мумкин. Сўз маъноларини тушунтиришда она тили ва адабиёти ўқитувчиларига катта ёрдам бериши шубхасиз. Изохли лугат лотин ёзувида чоп этилганлиги сабабли хозирги вактда бу ёзув билан боглиқ турли чалкашликларга бархам беради, деган умиддамиз. У амалий жихатдан кўчакўйлардаги саводсиз ёзилган сўзларни тўгри ёзишга ёрдам бериб, саводхонликни оширади.

Ушбу изохли лугат ўзбек тилини ўрганувчи чет элликлар учун маълум қулайликлар яратади. Гап шундаки, илгариги лугатларда, масалан, «пул» сўзи «п» харфида, шу ўзакдан ясалган «бепул» сўзи «б» харфида берилган. Мазкур лугатда эса бепул сўзи пул сўзи билан бошланувчи лугат маколалар ичида берилганки, бу ўкувчиларга сўз шакллари хакида маълумот беради. Изохли лугат олимлар ижтимоий фанлар сохасида хам тадбиркорлик қилиб, ажойиб китоблар яратиши мумкинлигини кўрсатди. Андижонлик тадбиркор олимлардан ўрнак олса арзийди. Устозлар лугат тузишда муайян тажриба тўпладилар. Энди улар Андижон шевалари лугатини тузсалар, мақсадга мувофик бўларди. Бу луғат вилоятлардаги бошқа университет домлалари тарафидан қўллаб-қувватланса, бой ва нафис ўзбек тили шевалари луғати майдонга келган бўлур эди.

Эргаш УМАРОВ.

Memukaoa тенгоошлари

Пойтахтимизнинг Юнусобод туманида "Камолот" ёшлар ижтимоий харакати соврини учун минифутбол бўйича турнир ўтказилди. "Истиклол тенгдошлари" шиори остида ўтказилган ушбу мусобақада 10-12 ёшли болалар иштирок этдилар.

Мусобақада "Бободехкон" жамоаси мутлоқ ғолибликни қўлга киритди.

Тўрт авлод учрашуви

Шахрихонда Қарияларни қадрлаш йили муносабати билан тўрт авлод учрашуви бўлиб ўтди Бунда юз ёшдан ошган отахону онахонлар, уларнинг 70-80 ёшли фарзандлари, 50 ёшдаги набиралари ва чеваралари иштирок этишди. Туман хокимлиги томонидан ташкил этилган ва хомий ташкилотлар томонидан қуллаб-қувватланган ушбу тадбирда 53 нафар юз билан юзлашган қарияларнинг барчаси иштирок этишди. Хаваскорлар томонидан ижро этилган мумтоз куй ва қушиқлар барчага манзур бўлди.

"Туркистон-пресс".

Мульчилик шаклидан қаты назар, лойиха-тадқиқот ишларини бажарувчи барча ташкилотлар диққатига !

«Давархитекткурилиш» кўмитасига қарашли пудрат савдолари (тендер)ни ташкил этиш хўжалик хисобидаги республика бошкармасининг

АНДИЖОН ВИЛОЯТ ФИЛИАЛИ

капитал қурилишда бозор муносабатларини жорий этишни жадаллаштириш, лойихалаш ишларини тайёрлаш муддатини қисқартириш, сифатини яхшилаш ва қийматини пасайтириш мақсадида 2003 йилда Андижон вилоятида давлат марказлашган капитал маблаглари хисобидан қурилиши ва қайта таъмирланиши (реконструкция) режалаштирилган касб-хунар коллежлари иншоотларига ЛОЙИХАЧИ ТАШКИЛОТЛАРНИ ТАНЛАШ БЎЙИЧА ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Nº	Иншоотлар номи	Йўналиши	Манзили	куввати ўкув/ётокхона
建规	Янги курилі	иш		
1.	Курилиш ва коммунал хўжалик КХК (курилиши якунланмаган 25-мактаб базасида)	Курилиш	Булокбоши тумани	600/0
Contraction of the	Қайта таъмир)лаш	Superior and American Commission Control of the Con	erigin kaliming apara kalimin menghinang periodikan di menghinang periodikan di menghinang periodikan di menghi Periodikan periodikan periodikan periodikan di menghinang periodikan periodikan di menghinang periodikan di me
2. 3. 4. 5. 6. 7. 8. 9. 10. 11. 12. 13. 14.	Саноат КХК (саноат политехникуми базасида) Маданият ва санъат КХК (курилиши якунланмаган нашриёт биноси базасида) Иктисодиёт КХК (педагогика индустриал техникуми базасида) Ижтимоий КХК (7-мактаб базасида) Агросаноат КХК (бизнес мактаби базасида) Агросаноат КХК (2-сон касб мактаби базасида) Агросаноат КХК (касб-хунар лицейи базасида) Маиший хизмат КХК (касб-хунар лицейи базасида) Тиббиёт КХК (тиббиёт билим юрти базасида) Транспорт КХК (7-сон касб мактаби базасида) Иктисодиёт КХК (6-сон касб мактаби базасида) Иктисодиёт КХК (агроиктисодиёт коллежи базасида) Курилиш ва коммунал хўжалик КХК (касб-хунар лицейи базасида) Агросаноат (касб-хунар лицейи базасида)	Енгил саноат Маданият Иктисод Спорт Кишлок хўжалиги Кишлок хўжалиги Кишлок хўжалиги Савдо, умумий овкатланиш Тиббиёт Транспорт Иктисод Иктисод Курилиш Агросаноат	Андижон шахри Андижон шахри Андижон шахри Асака шахри Андижон тумани Бўз тумани Жалолкудук тумани Олтинкўл тумани Хўжаобод тумани Шахрихон тумани Кўргонтепа тумани Хонобод шахри Кўргонтепа тумани	600/400 600/0 750/200 300/0 600/0 450/200 450/200 600/200 600/200 600/200 600/200 750/400 900/200

Тошкент вилояти, Тошкент тумани, Кўк-

Лойихалаш ишларини тугаллаш муддати — 2002 йил октябрь ойи. Буюртмачи: Андижон вилоят хокимлигининг капитал қурилиш бўлими (Андижон шахри, А.Навоий кўчаси, 45). Лойихалаш ишларини молиялаштириш давлат инвестиция маблаглари хисобидан амалга оширилади.

Лойихалаш ташкилотлари ва фирмалар: «Давархитекткурилиш» кумитасининг махсус рухсатномаси (лицензия)га, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятлар ва материаллар захирасига, ишчи кучи ресурслари, шартнома тузишга лаёқатли юридик хуқуққа эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт. Савдода қатнашиш ва тендер хужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси— пудрат савдолари (тендерлар)ни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича республика бошкармасининг Андижон вилоят филиалига, куйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин:

Тендер савдолари эълон матбуотда чоп этилгандан сўнг 30 кундан кейин юкорида кўрсатилган манзилда ўтказилади.

сарой кишлогидаги «Азагро» кушма корхонаси, ОКПО коди 16243472 тугатилади. Даъво ва эътирозлар куйдаги манзилда 2 ой давомида кабул килинади: Тошкент вилояти, Тошкент тумани, Кўк-сарой

кишлоги, УзСПЭ ва КИТИ.

также производим СТРОИТЕЛЬНО-ОТДЕЛОЧНЫЕ РАБОТЫ


ставка и установка по городу Ташкенту - DECПЛАТНО

Андижон шахри, Б. Хакимов кўчаси, 14-«А»-уй. Телефон/факс: 24-72-79. Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига такдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати.

15600 жодим бушатилади

«ІВМ» корпорацияси 15600 ходимини ишдан бўшатишни режалаштирмокда. Бу корпорация ишчиларининг 5 фоизини ташкил

Корпорациянинг матбуот котиби Кэрол Маковичнинг айтишича, «ходимларни ишдан бўшатиш корпорация самарали фаолият юритишига ёрдам беради».



Қахвачилар намойиши

Гондурасда қахва плантациялари ишчиларининг намойиши бўлиб ўтди. Улар бир хафта давомида йўлларни беркитишди. Намойишчилар кахванинг нархи пасайиб бораётганлиги сабабли хукуматдан кредитлар муддатини узайтиришни талаб қилмоқдалар. «Ассошейтед- пресс» агентлигининг хабар беришича, мамлакатнинг 120 минг фукароси қахва хосилидан олинадиган даромад эвазига кун кечиради.

Энг kekca kuuru рўйхатга олинди



РИА «Новости»нини хабарига қараганда, Гиннес рекордлар китоби 114 ёшли Аделина Домингесни АКШнинг энг қария фуқароси деб тан олди.

Домингеснинг таъкидлашича, у 1887 йилнинг 19 февра-

лида туғилган, лекин туғилгани ҳақида бир йилдан сўнг хужжат расмийлаштирилган.

Yekuu ман килинади

«Лента.ру»нинг маълум қилишича, Нью-Йорк шаҳри хокими шахарда чекиш умуман ман қилинишини эълон қилди. Унинг айтишича, энди бошқа муассасалар қатори бар, бильярдхона, бинго ва кегельбанларда хам чекиш таъқиқланади.

Озон катлами Ва замин такдири

Заминимизни қуёш ультрабинафша нурларининг салбий таъсиридан химоя киладиган озон дан сақлаш бугунги кунда жахон жамоатчилигини ташвишлантираётган муаммолардан бири булиб қолмоқда. Мутахассисларнинг таъкидлашича, совуттич техникаси, ўт ўчириш, табиий ускуналарни стерилизациялаш, қишлоқ хўжалиги, нефтни кайта ишлаш заводларида катализатор сифатида ишлатиладиган хлор-фтор углеводородлар туркумидаги кимёвий моддалар озон қатлами емирилишига сабаб бўляпти.

Ана шу муаммоларни бартараф этиш мақсадида қабул қилинган Вена цияси ва Монреаль протоколига бугунги кунда 180 дан купрок мамлакат, жумладан, Ўзбекистон хам қушилган.

Бу борадаги халқаро мажбуриятларни бажариш йўлида озонни емирувчи моддалар ишлатилишини боскичма-боскич тўхтатиш, унинг ўрнига зарарсиз воситалар яратишни амалга оширишга алохида эътибор қаратилмокда. Айникса, Глобал экологик жамғарма, ЮНЕП хамда БМТ Тарақкиёт дастури грантлари асосида ишлаб чикилган лойихалар хаётга кенг татбиқ этилаётир.

Ана шундай лойихалардан бири таркибида озонни емирувчи моддалар мавжуд махсулотларнинг мамлакатимизга олиб кирилиши ва четга чикишини назорат қилувчи божхона тизими ва бошка бошкарув органлари мутахассислари иштирокида ўкув семинарлари ташкил этиш кўзда тутилган. Миллий матбуот марка-

зида Давлат божхона кумитаси, Табиатни мухофаза килиш давлат кумитаси, Ташки иктисодий алоқалар вазирлиги мутахассислари иштирокида уч боскичда амалга ошириладиган ана шу дастурнинг илк машгулотпари бошланди.

Халқаро экспертлар иштирокида уч кун давом этадиган семинарда қатнашчиларга бундай моддаларнинг ноқонуний савдо-сотигини аниклаш ва тўхтатиш борасида ечимини кутаётган вазифалар юзасидан маълумот берилади.


Бахор ХИДИРОВА, **ЎзА** мухбири.



Севишганлар.

САВОЛ БИЗДАН...

Кечаги сонда берилган саволнинг жавоби: Готланд ороли Шве цияга қарайди.





корея яримороли:

Шархловчи минбари

ХАМКОРЛИК САРИ ΔΑΔΝΛ ΚΑΔΑΜ


Икки Корея ўртасида бўлиб ўтган музокарада эришилган келишувлар -омот иткимажмах нохаж нидан кенг маъкуллана бошлади. БМТ Тараққиёт дастурининг Пхеньяндаги ваколатхонаси вакили ушбу музокара икки қўшни мамлакат ўртасидаги муносабатларда бурилиш ясаганини айтди. Унинг таъкидлашича, Сеулда бўлиб ўтган еттинчи учрашув Жануб ва Шимол ўртасида мулоқотни давом эттириш учун яхши иқтисодий база яратди. Бу эса ўзаро иктисодий манфаатдорликнинг ҳарбий-сиёсий ва гоявий қарама-қаршилик устидан ғалаба қилишига умид ўйготади.

Бўлиб ўтган музокара, ҳақиқатан ҳам, ўзаро манфаатли натижалар берганини Пхеньян ва Сеулда нашр этиладиган газеталар кенг ёритмоқда. Жумладан, Шимолий Корея оммавий ахборот воситалари Сеул учрашувида кабул қилинган якуний баёнотни эълон қилди. Баёнотда икки давлатни темир

билан боглаш масаласи баён этилган. Агар ушбу масала ижобий ҳал этилса, Корея яримороли билан Европани боглайдиган йирик қушма лойиха — Транскорея темир йўли ишга тушади. Бу эса Жанубий Корея махсулотларини Европага олиб чикиш учун яна бир йўналиш пайдо бўлади, деганидир. Шимол ва Жануб ва-

киллари музокара чогида фақат темир йўл барпо килиш масаласи билан чекланиб қолгани йўқ. Томонлар 26-29 август кунлари Сеулда иқтисодий хамкорликни кўллаб-кувватлаш қўмитасининг иккинчи мажлисини ўтказишга ҳам келишиб олди. Шунингдек, вазирлар даражасида бўлиб ўтган ушбу музокарада чегара худудидан ўтувчи Римчжин дарёсида сув тошкини юз берган тақдирда, ўзаро огох этиш ва биргаликда тошкинга карши чора кўриш бўйича томонларнинг фикрлари бир жойлан чикли.

Корея яримороли икки давлатга булинганидан



Европада тошкинлоар давом этмокда. **Дрезден шахрида тарихий ёдгорликлар сув** ocmuda koadu.

кейин купгина оилалар ажралиб кетган эди. Уларни бирлаштириш масаласи хам икки мамлакат ўртасида мухокама қилинаётган энг долзарб масалалар сирасига киради. Мазкур учрашувда томонлар Кимгансан тогида ажралиб кетган оилаларнинг бешинчи учрашувини ташкил қилиш масаласида келишиб олди. Узбекчада Олмос тоги, деб аталадиган бу худуд яриморолнинг энг гўзал масканларидан бири хисобланади. Шу боис мазкур тог худудида сайёхликни ривожлантириш масаласи хам музокара иштирокчиларининг назаридан четда

колмади Икки давлат ўртасида иқтисодий соҳада ҳамкорликни йўлга кўйиш ижтимоий ва маданий сохаларга хам ижобий таъсир кўрсатади, албатта. Шимол ва Жануб ўртасида спорт сохасида хамкорлик доирасида 6-8 сентябрь кунлари икки мамлакат футбол жамоаларининг мусобакаси ўтказиладиган бўлди. Шунингдек, Шимолий Корея спортчиларининг бу йил Пусан шахрида бўлиб ўтадиган 14-Осиё ўйинларидаги иштироки мухокама килинли.

Сеул музокарасининг яна бир ижобий натижаси шу бўлдики, ушбу учрашув икки мамлакат ўртасида келгусида бўладиган мулоқотлар учун мустахкам замин яратди. Томонлар икки мамлакатнинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий хамкорлигини ривожлантириш борасида бундай учрашувларни мунтазам ўтказиб туриш ниятини билдирди. Шунга биноан Шимол ва Жануб вазирлар даражасидаги навбатдаги саккизинчи учрашувини 19-22 октябрь кунлари ўтказишга келишиб олди.

Саидмурод РАХИМОВ, **ЎзА** шархловчиси.

Kucka сатрларда

МЕХИКО. Мексика тарихида илк бор мамлакатдаги кашшоклик даражаси ошкора эълон килинди. Расмий вакилларнинг маълум килишича, мамлакат ахолисининг 53,7 фоизи камбагал экан. Шулардан 24,2 миллиони бутунлай қашшоқликда кун кечиради. Ушбу маълумот махсус тадқиқотлар орқали аникланди.

вашингтон. Халқаро валюта жамғармаси Парагвайга молиявий ёрдам кўрсатишини маълум килди. Якин икки йил ичила Парагвай хукумати 200 миллион АҚШ доллари микдорида карз олади. Айни кунларда мазкур лойиха тасдикланиш арафасида. ХВЖ вакилларининг маълум килишича, ушбу молиявий тадбир Аргентинада бошланиб, Бразилияга ўтган иктисодий инкирознинг Парагвайга етиб келмаслиги учун амалга оширилмокда.

СИДНЕЙ. Янги Зеландияда хукумат таркиби янгиланди. Бош вазир Элен Кларк бошқарув тизимида фаолият кўрсатган уч амалдорни ишдан четлаштирди. Шунга қарамай, хукумат аъзолари яна икки кишига кўпайди. Эндиликда бошқарув тизимида жами йигирма саккиз киши ишлайдиган бўлди. Кларк хонимнинг ўзи авваллари бош вазирлик билан бирга маданият вазири вазифасини хам бажарар эди. Энди у иккинчи лавозимидан воз кечди.

БОГОТА. Колумбияда вазият кескинлигича колмокда. Мамлакат бўйлаб террорчилик авж олган. Натижада бегунох одамлар курбон бўлмокда. Жангарилар билан хукумат армияси ўртасидаги қуролли тўкнашувлар, айникса, мамлакатнинг шимоли-ғарбида кўп содир бўлмокда. Мамлакатнинг Эквадор билан чегарасида эса террорчилар махаллий маъмурият вакилини ўлдирди.

(¥3A).

Куроллар назоратга олинади

Афгонистон мудофаа вазири Мухаммад Фахим мамлакатдаги барча қуроллар хукумат назоратига олинишига оид дастурни эълон қилди. Фахим бундан буён бутун ҳарбий арсенал миллий армияга қарашли бўлишини хам таъкидлаган.

"Би-би-си" маълумотига қарағанда, баъзи дала қўмондонлари дастурни совуқ қарши олишган.

Каражич **кидирилмокда**

НАТО тинчликпарвар кучлари Босния ва Герцоговинада босниялик серблар етакчиси Радован Каражични хибсга олиш максадида йирик харбий операциялар бошлади.

"Би-би-си"нинг маълум қилишича, мамлакатнинг жануби-шарқий қисмидаги йўллар харбийлар назоратига олинган, ундан ташқари қидирув ишларида вертолётлар хам иштирок этаяпти.

Террорчилар maxdudu



Бир неча террорчилик ташкилотларининг етакчилари агарда Ироққа нисбатан уруш бошланса, АҚШ ва Буюк Британияда йирик қўпорувчиликлар амалга оширилишини айтган.

"Daili Telegraph" маълумотига кўра, Лондоннинг шимолий қисми имом хатиби шайх Умар Бақрий Му**хаммад агар уруш очилгудек бўлса, радикаллар кан**дай йўл тутиши ҳақида қонун ҳам қабул қилинганлигини таъкидлаган.

«Турклар op3ycu»

Туркия Бош вазири Эжевит Анқарада хукумат ва парламент томонидан ислохотлар дастури маъкулланиши муносабати билан Европа Иттифокини мамлакатнинг ЕИга аъзо бўлиши учун музокаралар бошлашга чақирган. Унинг айтишича, бу "турклар ор-

"Deutsche Welle" маълумотига кўра, Туркия ЕИга аъзо бўлиш учун талаб этилаётган бир неча қонунни қабул қилди. Хусусан, ўлим жазоси бекор қилинди, шунингдек, сиёсий ва иқтисодий ислоқотлар буйича қатор қонунлар маъқулланди.

Ummumok тузиладими?

"Лента.ру" малумотига қарағанда, Белоруссия президенти Александр Лукашенко Россия билан иттифок тузиш бўйича Владимир Путин томонидан таклиф қилинаётган режа унга маъқул эмаслигини билдирган. Унинг айтишича, хозирда иттифок тузиш хақидаги музокаралар давом этаяпти.

Натижасиз музокаралар

Озарбойжон президенти Хайдар Алиев Арманистон президенти Роберт Кочарян билан Нахичеван мухтор республикасининг Садарак худудида бўлиб ўтган музокаралардан мамнун эканлигини маълум қилган. Унинг айтишича, "музокаралар самарали ўтди".

"Интерфакс" агентлигининг хабарига кўра, Алиев учрашувда аник натижаларга эришилмаганлиги ва музокаралар давом эттирилишини хам кайд этган.

Kya naudo byadu

Чехия пойтахти Прагадан 50 километр узокликда жойлашган Мельник шахри якинида тошкинлар сабабли энига 1,5 км. кўл хосил бўлган. "ИТАР-ТАСС" агентлигининг маълумотига кўра, айнан ўша ерда XIX асрда сув хавзаси бўлган. Прага хокимияти матбуот котиби Мартин Кубканинг айтишича, "бир ярим аср аввалги табиат манзараси қайта тикланди".

Coxma wwwokop

Миср полицияси одам миясини операция килувчи хирургни хибсга олган. Аникланишича, у хатто мактабда хам таълим олмаган экан, 40 ёшли "доктор" Қохира яқинидаги Ал-Файюм шахрида қар куни 200 га якин беморни қабул қиларкан ва "операция"лари учун ўртача 5 доллар хак олар экан.

"Рейтер" агентлигининг хабарига кўра, ундан шифокорлик фаолияти билан шуғулланишга ҳуқуқ берувчи сохта сертификат хам топилган.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИКТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ

ИХТИСОСЛАШГАН ОЛИЙ БИЗНЕС МАКТАБИ

2002/2003 ўкув йили учун абитуриентларни қуйидаги йўналишлар бўйича ўкишга қабул қилади:

KANITAKSITAI SÄRIAIMITAN

бизнесни бошқариш; менежмент; бухгалтерия ҳисоби; банк иши; молия; суғурта иши; туризм; маркетинг; иқтисодиётда ахборот тизимлари.

бизнесни бошқариш; менежмент; бухгалтерия хисоби; банк иши: молия; сугурта иши; маркетинг.

Укиш муддати кундузги бўлимда— 2 йил, сиртки бўлимда— 2 йилу 8 ой. Укиш якуни бўйича битирувчиларга Узбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдикланган намунадаги диплом ва тегишли малака берилади.

Дарслар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади. Машгулотларни Тошкент давлат иктисодиёт университети ва бошка олий ўкув юртларининг етакчи профессор-ўкитувчилари олиб борадилар. Укиш жараёнида мутахассислик фанлари билан биргаликда инглиз тили ва компьютер куникмаларини чукур урганиш учун көнг имкониятлар яратилади.

Абитуриентларнинг хужжатлари 2002 йилнинг 5 августидан 5 сентябрига қадар қабул килинади. Абитуриентлар тест синови натижалари буйича укишга кабул килинадилар. Вилоятлардан қабул қилинган тингловчилар ётоқхонадан жой билан таъминланади.

Маълумот учун телефонлар: (3712) 45-85-96, 45-24-40, факс/телефон: (371) 132-63-42.

Бизнинг манзил: Тошкент шахри, Олмазор кўчаси, 183-уй (Мукимий театри биноси оркасида), 1-корпус (собик 1-ётокхона биноси), 2-кават, Ихтисослаштан олий бизнес мактаби (Тошкент давлат иктисодиёт университети худуди).

лари билан одамларни йиг-

Махтумкули

Намасан

Асли сени курмаганман, дилдорим! Кумримисан, булбулмисан, намасан? **Гамгин дилни хаёлингда алдарман**, Бог ичинда гул-гулмисан, намасан?

2002 йил 16 август

Карокчими, ё саидми, хўжами, Е соқийми, ё шаробми, ё жомми, Ё йилмисан, ё кундузми, кечами, Ё оймисан, ё кунмисан, намасан?

Ё мушкмисан, ёки чамбил, ё анбар, Айтолмайман, ё чархмисан, ё чамбар, Дарёмисан, ё мавжмисан, ё савсар, Гирдобмисан, тулкинмисан, намасан?

Олтинмисан, кумушмисан, зармисан, Е аршмисан, ё қурсмисан, ермисан, Е ёқутми, ё маржонми, дурмисан, Ё чирогми, ё зиёсан, намасан?

Махтумқули, кеч номусу орингдан, Кўлингни торт бу вафосиз корингдан, Жахон тўла, сен ғофилсан ёрингдан, Ё мастмисан, ё шайдосан, намасан?



Айтилган вақтга икки дақиқа қолганда эшик тақиллади. Мезбон новча инглиз йигитини тилмоч аёл билан катта мехмонхонага бошлаганида, хорижликлар европача услубда жихозланган жойга эмас, тўгридан-тўгри хонтахта томон йўналиб, чордона куриб олишди.

Удумларимизни жой-жойига қўяётган бу мусофир йигит аслида нью-йорклик бўлиб, бу хил ташрифлар илгари шов-шувга айланса, бугун оддий холдек, худди кушни кириб келгандай гап. Дунёнинг нариги чеккасидаги кишини бу томондаги одамларга тортган нарса - миллий мусика, миллий оханг ва удумлар эди.

Фотиҳа ўқиймизми? — деди кафтларини очиб жаноб

сўзингни созингда айт

Бир неча йилдирки, у мохир созандамиз Буломкодир Эргашевдан афғон рубоби сирсиноатларини ўрганишга, шу бахонада ўзбек миллий мусиқа маданияти билан ошно булишта бел боглаган эди. «Бу инглиз тушмагур бало экан, дейди Гуломкодир ака, сўз ва бармокларимнинг салгина ифодасини илгаб, айтганимдай чалиб беради». АКШлик созанда Пол Лик устози **Гуломкодир** ака ёрдамида ўндан зиёд асарлари - «Тановар», «Муножот», «Мушкилоти дугох», «Шарқ тароналари», «Туркман эшвойи», «Ёқут» сингари мумтоз ҳамда замонавий куйларни ижро этди хамда Ўзтелерадиокомпа-

ния фондига хадя қилди.

«Ана, ўзларингда Майкл Жексонга ўхшаган машхурлар кўп-ку, нима қиласан, қийналиб?» - дея устози раъйидан қайтармоқчи бўлганида, «Майкл Жексон куйлаёттанига нари борса 30 йил бўлгандир, миллий қушиқ-куйлар эса бир неча асрлардан буён яшаяпти. Шу боис энг кўхна миллий мусикаларни йигиб, диск қилмоқчиман, америкаликларга бу катта совга бўлади», деди Пол Лик. У Хин-

Санъат олами

дистон миллий чолгу асбоби - табла чалишни ўн йил давомида ўрганган. Захириддин Мухаммад Бобурнинг «Бобурнома» асарини қарийб ёд олган. Хатто табланинг илк нусхаларини Бобур Хиндистонга олиб келган, деб хисоблар экан.

Гуломкодир Эргашев билан Пол Ликнинг устоз-шогирдлик муносабатлари Шарқ ўзининг маънавий-рухий устуворлик жихатларини янги-янги шаклларда намоён этаётганидан далолат бериб турибди.

Афгон рубоби садоланиши жихатидан қадимий чолғу асбоби - уд созига яқин туради. Иккала асбобнинг торлари ҳам қуй ичакларидан ясалган, иккаласида бир вақтда оханг чалинса, ажратиш қийин. Садоларига мунг, дард, фигон йўгрилган. Шу боис афгон рубобида куй тингласангиз, кўҳна обидалар, тарихий ёдгорликлар кўз олдингизда гавдаланаверади. Форобий ўзининг машхур мусика-

латган, кулдирган, ухлатган. 1970 йилларда Гуломкодир Эргашев афгон рубобини илк бор профессонал ижрочилик мактаби даражасига кутарди. Халқ куйларини афгон рубобида ноталарга туширди. Қашқар рубоби махсули - «Бахор вальси» (муаллиф Мухаммаджон Мирзаев) қирқ йилдан буён «Бахор» дастаси қизлари учун биринчи ракс бўлиб келмоқда. Афгон рубобида Гуломкодир Эргашев Япониядами, Арабистондами, Туркиядами, АКШ, Франция, Буюк Британияда чаладими, қаерда бўлмасин, «Тановар»да ўйчанлик, «Муножот»да мунг, «Дилхирож»да хурсандлик аломатларини томошабинлар нигохида яққол туяли. Биз Шопен, Моцарт, Бах асарларидан қанчалик таъсирлансак, миллий мусика асарларимиз ўзгалар кўнглига булоқ сувидек рохат бахш этаётганини кўриб шунчалик қувонамиз. Аслида санъатнинг сехри ва жозибаси шунда эмасмикан?

> Mannakar **ГИЖДУВОНИЙ.**

Дунёда хотиндан омадинг келаверсин экан. Машойихлар бекорга "ҳар йигитнинг отини, чикаради

хотини" дейишмаган. Мана, масалан, узоққа бормайлик, бизнинг хотин, ўзи яхши, муомаласи ҳам дуруст, нечавоку-я, лекин бир ёмон одати бор: бу хам булса "чунтакковлар" лик, яъни замонавий қилиб айтганда, "реви-

зор"лик. Мен унга "Хов, унақа "оташкураклик"ни ташла, бу эскичасига хам, янгичасига хам — деб кўп маротаёмон одат," ба айтдим, огохлантирдим.

 Э, ўша тешик чўнтагин-гиздан ўргилдим, мен нима хам олардим, олган булса ўглингиз олгандир. — Углим олса, морожнийга "майдароқ" ларидан олади, сен "крупний" рокларидан олибсан,

икки юзталикларидан бештаси Вой, куруқ туҳматингдан ўргилдим, худо ўзинг асрагин-а, ўзинг асрагин! Ахир, ойижоним менга ёщлигимда хатто бузокнинг хаки бор деб сигирнинг сутини ичирмасди-

лар-а. — Э бўлди-да, сенга бир гапни айтиш кераг-у, қочиш

керак Бўлмаса нега тухмат қиласиз, бўхтон қиласиз? - Тухмат эмас бу, хакикат. Хуш, булмаса чунтагимнинг тешиклигини қаердан билдинг? Кир ювганимда кўрган-

ман. Кўрган бўлсанг, нимага

Вақтим йўқ эди. Шошмай тур ҳали, ис-

Исботладим хам. Ишхонага келгач, ўзимнинг номимга ўзим худди аёлларникига ўхшагиб, буралтириб чиройли хат

ездим. "Энг аввало, ассалому алай-кум хурматли болдан азиз, асалдан ширин Давлатбой ака-

жоним! Мен учун дунёдаги ҳамма нарсадан азиз бÿлган олтин бошингиз омонми? Сиз менинг улканимсиз, ултонимсиз ва давлатли султонимсиз. Хар куни ишхонамизга мармар зиналарни эмас, балки менинг юрагимни босиб чиқиб келасиз. Мен бир бечора

Акажон, кимдир биров ке-

либ қолиб, сизнинг олдингизга

кирмокчи. Анави ялмогиз хо-

Шахло кўзларидан маржон ёшларини тўкиб хат ёзувчи сиз-

нинг севимли Давлатойингиз".

Хатнинг икки жойига томизги-

"о" ҳарфларининг ўртасига "б" ҳарфини араб имлосида жой-

кечга колмай шунаканги жан-

жал кўтардики, унинг олдида

Жанубий Американинг тўфон-лари ип хам эшолмай қолди. "Бир жизғанагинг чиқсин", де-

дим-да, индамай ўтиравердим.
— Уша қайсидир деворнинг кавагида ётган "бузуқ" яхши

ми хали, шошмай турсин, оила-

бузарга кўрсатиб қўяман. Хам-

ма айб сен бузук хотинбозда,

мен сенаканги эр билан яшол-

майман, ху қаро ер бўлгур. Телефон ўлгур хам тайёр,

Хар эхтимолга қарши "т" ва

"Искабтопар"им ўша куниёк

да икки томчи сув томиздим.

тинингизга ўхшайди

Хайр, акажоним!

Худди эртаклардаги девлардек бир ондаёқ қайнотам билан қайнонам эшигим ёнида қозиру нозир бўлишди.

Куёвингиз "юрар" экан, деди қайнонам қошларини "қийрихон" қилиб. Журатта, худога шукр, тўрт мучаси соғ, оёғи бақувват бугандан кейин журатта, уйида

осмонга қараб ётсинми? Берсант ейман, тепсанг ўламан деб. Жураверинг куёв жасликда, ха, ма-

Э мияси суюлган чол,

унинг ўйнаши бор экан деяп-

— Ха, жақси, жақси ўйнайди куёвим, ўзим ўз кўзим билан Тошпўлат носпурушнинг тўйида кўрганман. Шу кўйлак-май-кани чечиб ташлаб, бир "лой

тепар"га тушганида дегин, ху-

донинг кудратими, бунинг ол-

дига хеч ким тушолмаган. Хат-

то дўмбирачи-ю карнайчилар

хам сулайишиб қолишган, бу

'лойини тепаберган", ўйнайбе-

ринг куёв. — Узингиз ҳам қариб қуюл-

магансиз-да, ана шунга куёвин-гизнинг тарафини олаяпсиз.

лисиникига девор ошиб тушга-

нингизда, аввал ити карт дум-бангиздан "бир шўрвалик" узиб

қолган, яна деворнинг панжара-

сига илиниб, уйга йиртик иш-

тон билан келганингиз. Устига

устак, Шоди мелиса чуррагини

Ха, сиз. Эсингиздан чиқ-Шоди мелисанинг синг-

рок эдингиз.

Мен-а?

ни унутдингми?
— Ҳа, алам қилсин, йўталғарибангиз ҳар тунни сония-ларни санаб ўтказаман. ган, тўгри йўталган, олдимдан хам йўталган, ортимдан хам йўталган, буни тан оламан, ҳа куксов булганидан кейин йуталади-да. Уша бечорани хам шимидан ушлаб, каналга отиб юборгансиз, шу билан шабодалаб ўлиб кетди, шўрлик. Яхши одам эди рахматлик. Ар-

Хажвия

монда кетди. Ха, жакси одам эдими? Бўпти бўлмаса, мен кетдим, улар жақси, мен жомон, ўсаларинг минан жасайбер. Мен катта улимдикига кетдим.

чуриллатиб уйгача кириб кел-

ган. Бир бало қилиб отанг

яхии онанг яхии леб хуш-

тагини қулидан олиб, чунта-

гига солиб жўнатиб юборган-

ман. Сиз "уйда эркак йўқ, де-

гин" деб калавотнинг тагида

"писиб" ётгансиз.
— Ўзинг-чи ўзинг, Али

кўксов орқангдан жўталгани-

Хой, мияси суюлган чол, мен улар билан яшайман деб очикмозорга бораманми? Хе, уришмай хар нар-са бўл иккаланг, қайтага бизларнинг орамизни буздинг.


- Ахир, ойи, тушунинг, мана хат, мен кизингизни синай деб ўзим ўзимга хат ёзган ман хазиллашиб, охирида Дех-қонбой деб ёзиб ҳам қуйганман, фақат "б" ҳарфини араб-

ча ёзганман, холос. Қайнонам хатта қараб ҳам ўтирмади, уни шартта кўлимдан юлиб олди-да, чолининг

ортидан югурди.
— Хой чол, тўхтанг, даласи, тўхтанг. Мана у хазиллашиб ёзган экан. Мана, яхшилаб қаранг ўртасила харфиям бор экан. - Ха, харфиям бор эканми, ҳа, яхши. Қани, олдимга

туш. Чол кампирига ёвкараш килиб парво қилмай, унинг ортидан пилдираганча жунаб қолди.

Хайитбой ЭРГАШЕВ.



«Халқ сўзи»нинг навбатдаги сони 20 август,

сешанба куни чикади.

— Би-ир носдан отиб олайлик, кейин гурунгни биздан кўринг... Абдувохид ТЎРАЕВ (ЎзА) сурат-лавхаси.

Узи ишлаб чиқарган тикувчилик махсулотлари Тулов – пул ўтказиш йули билан, «ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ» ДАТК DOR DONAL TAKING STAMING STAMI HIMI KHIMIMIMIAPHI • узун енгли эркаклар иш костюми: • калта енгли эркаклар иш костюми; • эркаклар ярим комбинезони; • аёллар ярим комбинезони; • аёллар иш бермудалари; • аёллар иш фартуклари: • эркаклар учун иссик иш курткалари; • йўл хизмати ходимлари жилети, • аёллар тиббий халати; Курилиш эхтиёжлари учун: • эркаклар тиббий халати; ✓ уй ичларини бўяш учун • эркаклар иш халати: • ошпазлар курткаси; • ошпазлар бош кийими; ташқи деворлар учун бўёқлар; • ички кийимлар: √ том учун бўёклар; • кулкоплар, √ алкид ва акрилат эмаллари; √ полларни бўяш учун бўёклар; шунингдек, √ ёгоч ва бўялган юзаларни қоплаш учун лаклар; мижозлар буюртмасига кўра, бошка махсус кийимлар. ✓ грунтовка ва шпатлевкалар; √ L 80, 100, 120мм.ли михлар; ROPAG-ECMUR GYROMAGPUS ✓ эмульсиявий, силикатли елим. Саноат өхтиёжлари учунн ✓ универсал алкид бўёқлари; √ том учун бўёклар; • чойшаблар; ✓ алкид-уретан эмаллари; Сифатли хорижий • турли ўлчам ва рангли ёстик жилдлари; хомашёдан тайёрланган, ✓ акрилат эмаллари; шунингдек: конструкцияларни кўлда грунтовка ва • дастурхонлар; ёйсимон пайвандлаш учун шпатлевкалар. • дастурхон ва 6 та ип газламали мўлжалланган салфетка; MP-3 русумли • ип газламали салфетка; 85х50 ўлчамдаги сочиклар. 3 A EKTIPO A NAIP Тошкент ш., «Фаргона йўли» к., 13/22. Телефонлар: (998-71) 191-47-41, 191-80-94. Факс (998-71) 191-74-63. E-mail: lokcolor@online.ru Web site: UZBEKISTON.h1.ru 是可是可是可是可是可是可是可是可是可是可是可是可是可是可是可是可

Жума ўгитлари

(Хадиси Кудсийдан)

Эй, одам фарзанди, ғазаб келганда мени ёдингга олгил, мен хам сени ғазабим келганда ёдимга олурман (яъни халок киладиган кишиларга сени хам қушиб халок қилмасман).

Эй, одам фарзанди, келиб турган ризкингга каноат қилмасанг, дилингга орзу-хавасларни солиб қуяман, улар хеч тугамайди ва сен улардан абадий қутула олмай қоласан.

*** Эй, одам фарзанди, билгилки, инсонга халоллик қатра-қатра келур. Харом эса сел каби мўлкул келур. Хар кимнинг емиши халолдан булса, дини пок булур.

Эй, одам фарзанди, агар уйингга мехмон елмай қолса, Парвардигорга: «Лаънати шайтон ёмонлигидан мени ўзинг сақла», дея илтижо қил.

Эй, одам фарзанди, қачонки сенга бирор мусибат ёки офат етса, қара: агар ўша мусибат сенга нопок холда турганингда етган бўлса, демак, билгилки, бу офатнинг сабабчиси ўзингсан.

Эй, одам фарзанди, қайси бандам бирор яхшилик амал қилишга қасд этса, лекин уни қилмаса, унга бир савоб, агар уни амалга оширса, мен унга ўн марта хасанот — савоб қилиб, етти юз мартагача зиёда қилиб ёзаман. Агар бир ёмонликка қасд қилиб, уни амалда бажо келтирмаса, унга ёмонликни ёзмайман.

Эй, одам боласи, сенинг дунёдаги мисолинг (дунёнинг халоватию, унинг сенга кўрсатадирган макр-хийласи) асалга пашша тушиши кабидур. Агар у асалга қўнса, халок бўлади. Шундай экан, бошқа одамларнинг манфаати учун ўзини куйдирадиган ўтинга ўхшамагин.

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги жамоаси агентлик эш директори ўринбосари Саъдулла Хакимовга онаси Бош директори ўринбосари Саъдулла X САЛОЯТ бувининг вафот этганлиги муносабати билан чукур хамдардлик бил-

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ядро физикаси институти жамоаси институтнинг етакчи илмий ходими Зокирхон Хакимовга опа Хафизахон МУЙДИНОВАнинг

вафоти муносабати билан чукур таъзия изхор килади. Мирзо Улугбек номидаги Узбекистон Миллий университети ректорати, касаба уюшма қумитаси ва физика факуль-

тети жамоаси квант-радиофизика кафедраси мудири, физи-ка-математика фанлари доктори, профессор **Аъзам Турапович МИРЗАЕВнинг** бевақт вафот этганлиги муносабати билан мархумнинг оила аъзоларига чукур таъзия билдиради.

«Узбеккино» компанияси, Узбекистон кино арбоблари бирлашмаси жамоалари киноактёр Фотих Жалоловга

Дилноза ЖАЛОЛОВАнинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

«Техмашимпэкс» МЧЖ жамоаси ташқи иқтисодий алоқалар буйича рахбар уринбосари Венера Мелибаевага онаси Отика ая АБДУЛЛАЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан таъзия изхор этади «Ishlab chiqarish, texnik ta'minlash va butlash boshqarmasi» унитар корхонаси жамоаси «Узбекнефтгаз» миллий холдинг

компанияси бошкаруви раисининг ўринбосари Олимжон Турсуной ЗОКИРОВАнинг вафоти муносабати бидан чукур таъзия изхор этади.

«Ishlab chiqarish, texnik ta'minlash va butlash boshqarmasi» унитар корхонаси жамоаси «Узгеонефтгазқазибчиқариш» ақ-

циядорлик компанияси Нефть ва газ конларига ишлов бериш булимининг бошлиги Аъзамжон Зокировга онаси Турсуной ЗОКИРОВАнинг вафоти муносабати билан чукур таъзия изхор этади.



МУАССИСЛАР: Узбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси

Бош мухаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Тахрир хайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), М. Егоров (масъул котиб — «Народное слово»), Ш. Жабборов (бош мухаррир ўринбосари — «Халк сўзи»), Ш. Ризаев, С. Зинин, М. Миралимов, С. Мухиддинов, М. Сафаров, Р. Фарходий, И.Худоёров, И. Шогуломов, О. Қаипбергенов (бош мухаррир ўринбосари — «Народное слово»), Ў. Хошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР: Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 136-29-89 Котибият 133-10-28; Эвлонлар 136-09-25. 医性囊性 医性性性 经现代的 医性性性 医性性性 医性性性

Руйхатдан ўтиш тартиби № 00001 Буюртма Г — 777. 27606 нусхада босилди, хажми — 2 табок, Офсет усулида босилган. Когоз бичими А—2 Галета IBM компьютерида терилди ва опера Жаминд ТОГАЕВ на Зокир БОЛТАЕВ инидан сахифаланди.

Тахририятда хажми 5 қогоздан зиёд материалдар қабул қилкимайди. t -Тижорат материали

700000, ГСП, Тошкент шахри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб - Ю. Хамидов. Навбатчи мухаррир — Н. Тошев. Навбатчи - О. Ражабов. Мусаххих — Ш. Машраббоев.

• манзилимиз:

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишта топшириш вакти — 21.00 Топширилди — 21.45. 123456